

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

Қўллёзма ҳуқуқида
УДК

**МАШИНАСОЗЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШДА МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШНИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛЛАРИ**

**5A5310902 – “Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш
(саноат)” мутахассислиги бўйича**

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
т.ф.н., доц. Косимов Б.**

Андижон – 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-Боб. МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ	7
1.1. Мувофиқликни тасдиқлаш соҳасидаги тушунчаларни моҳияти	7
1.2. Мувофиқликни баҳолаш соҳасида халқаро ташкилотларнинг фаолияти	13
1.3. Аккредитлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар	17
1.4. Европа давлатларида мувофиқликни тасдиқлашга янгича ёндошув	24
1-боб бўйича хулосалар.....	36
2-Боб. МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА МЕЪЁРИЙ ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ЖАРАЁНЛАРИ	37
2.1. Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолашнинг қонуний асослари	37
2.2. Машинасозликда тавсия этилаётган мувофиқликни баҳолаш жараёни	40
2-боб бўйича хулосалар.....	76
3-боб. МАШИНАСОЗЛИКДА МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛАРИ	77
3.1. Маҳсулот ва хизматлар мувофиқлигини баҳолашда иштирок этувчиларга қўйиладиган талаблар.....	77
3.2. Мувофиқликни баҳолашнинг тавсифи	80
3.3. Мувофиқликни баҳолашнинг сифат соҳасидаги ўрни	82
3.4. Мувофиқликни баҳолаш ва метрология.....	83
3.5. Мувофиқликни баҳолаш ва техник регламентлар	84
3.6. Мувофиқликни баҳолаш ва иқтисодий ривожланиш	86
3-боб бўйича хулосалар.....	94
Хулоса.....	95
Фойданилган адабиётлар	96

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги.

Маълумки, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнлари, менежмент тизимлари ва ходимларнинг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш, ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик ва жаҳон савдо алоқаларида иштирок этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда давлатнинг ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш масалалари мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади.

“Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонун айни шу масалаларда тегишли мувофиқликни баҳолаш билан боғлиқ хуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида тайёрланган. Унда мувофиқликни баҳолашнинг ягона қоидалари ва тартиб-таомилларини қўллаш, мувофиқликни баҳолаш ҳақидаги ахборотнинг тўғрилиги ва очиқлиги, аккредитация қилинган мувофиқликни баҳолаш органларининг хизматларидан фойдаланишга тўсиқлар қўйишга ва улар ўртасидаги рақобатни чеклашга йўл қўймаслик каби асосий қоидалар белгиланган.

Қонунга кўра, маҳсулот, хизматлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, менежмент тизимлари, аккредитация қилинишига талабгор бўлган юридик шахслар, мувофиқликни баҳолаш соҳасида иштирок этишга талабгор бўлган мутахассислар, инспекция назоратидан ўтказилиши чоғида мувофиқликни баҳолаш органларининг ўзи мувофиқликни баҳолаш обьекти ҳисобланади.

Мувофиқликни баҳолаш аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, инспекция назорати, юкни ортишдан олдин ёки юкни тушириш вақтидаги инспекция (назорат), маҳсулот синови, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза орқали амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ташкилий ҳамда техник талабларни, ишларни бажариш ва расмийлаштириш тартибини, усулларини ўз ичига олади.

Мувофиқликни баҳолаш соҳаси давлат томонидан тартибга солинади, яъни бу жараён Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Умуман олганда “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши миллий қонунчиликни халқаро талабларга ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш ҳамда халқаро савдони енгиллаштириш имконини бериши билан мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Тадқиқот объекти ва предмети.

Тадқиқотнинг обьекти: автомобильсозлик маҳсулотларини сертификатлаштиришда мувофиқликни баҳолаш соҳасида маҳсулот, хизмат, жараён, идоралар, лаборатория тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади

Тадқиқотнинг предмети: автомобильсозлик маҳсулотларини сертификатлаштиришда мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, усуллар ва тартиб ҳамда қоидалар тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари.

Тадқиқот мақсади: автомобильсозлик маҳсулотларини сертификатлаштиришда мувофиқликни баҳолашни истиқболли йўллари топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: тадқиқотда қўйилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар бажарилади:

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;

- Мувофиқлкини баҳолаш ва сертификатлаштириш принципларини таҳлил қилиш;
- автомобилсозлик маҳсулотларини сертификатлаштиришда мувофиқликни баҳолаш тартибларини таҳлил қилиш;
- автомобилсозлик маҳсулотларини сертификатлаштиришда мувофиқликни баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- автомобилсозлик маҳсулотларининг мувофиқликни баҳолаш ва сертификатлаштириш схемалари ишлаб чиқилади;
- автомобилсозлик маҳсулотларининг мувофиқликни баҳолаш ва сертификатлаштириш тартиби ишлаб чиқилади;
- автомобилсозлик маҳсулотларининг мувофиқликни баҳолаш ва сертификатлаштириш муаммолари очиб берилади;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.

Автомобилсозлик маҳсулотларининг мувофиқлиги баҳолаш ва сертификатлаштириш ривожланиш истиқболлари ва замонавий ҳолатини умумлаштириш ва таҳлиллари асосида ташкилаштиришнинг маъмурий ва техникавий бошқаришни самарали усулини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.

Сертификатлаштириш ва мувофиқлигини баҳолаш тизимларини ишлаб чиқища олимларимиз Абдувалиев А.А., Исматуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Хакимов О.Ш., Латипов В.Б., рус олимлари Сергеев С.А., Окрепилов В.В., Швандар В.С. америкалик олимлар Деминг Э., Фейгенбаум А., Джуран Дж.М. катта ҳисса қўшишган. Сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш жараёнлари ўрганиш бўйича хорижда КАСКО қўмитасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бироқ ўтказилган тадқиқотларда автомобилсозлик соҳасида мувофиқликни баҳолаш ва сертификатлаштириш ҳамда техникавий бошқарувдан биргаликда фойдаланиб ишларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмаган. Шунинг учун Автомобилсозлик маҳсулотларининг

мувофиқлиги баҳолаш ва сертификатлаштириш ривожланиш истиқболлари ва замонавий ҳолатини ўрганиш долзарб илмий масала бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.

Тадқиқотнинг услубияти: қўйилган вазифаларни ечиш учун сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш билан қиёсий таҳлилини олиб боришда тизимли таҳлил усуллари, жараёнли ёндашув, кўпўлчовли маълумотлар таҳлили, жараёнларни бошқаришнинг статистик усуллари, сифатни бошқаришнинг ахборотли модели, регрессион ва корреляцион таҳлиллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг услублари: статистик маълумотлар асосида илмий таҳлил олиб бориш; -математик-статистик қонуниятлар асосида моделлаштириш ва илмий фаразни шакллантириш.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

- Мувофиқлкни баҳолаш усуллари ва схемаларини қўллаш усули ишлаб чиқилган;
- Мувофиқлкни баҳолаш усуллари ва схемаларини қўллаш махсулотни ишлаб чиқириш ва уни такомиллаштириш учун фойдаланиш мумкин;
- машинасозлик соҳасидаги корхоналарда махсулот сифати назоратининг ташкилий ва услубий қоидалари ишлаб чиқарилиб қўллашга тавсия этилади.

Иш тузилмасининг тавсифи.

Диссертация тўрт бобдан иборат бўлиб, I боб. мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги халқаро амалиётлар таҳлили; II боб. мувофиқликни баҳолашнинг ҳуқуқий ва меъёрий қоидалари ҳамда жараёнлари; III боб. машинасозликда махсулот ва хизматлар мувофиқлигини баҳолашнинг истиқболлари; Xулоса ва тавсиялар.

1-Боб. МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. Мувофиқликни тасдиқлаш соҳасидаги тушунчаларни моҳияти

Мувофиқликни баҳолаш, маҳсулот, жараён, тизимга нисбатан ўрнатилган талабларни шахслар ёки идоралар томонидан баҳолашни амалга оширишни бажарилишини тасдиқлаш зарурияти билан боғлиқдир. Мувофиқликни тасдиқлаш маҳсулот, жараён, тизим, шахслар ёки идораларни халқаро, худудий ёки миллий стандартларга тегишли меъёрий хужжатларга мувофиқ баён қилинган талабларнинг бажарилишини кафолатлашда хизмат қиласи.

Халқаро стандартлар ҳамма томонлама уйғунлаштириш ва даражали тан олиниши савдода техник тўсиқларни бартараф этиш ва рақобатни ривожлантиришнинг самарали воситаларидан биридир. Фан-техниканинг шиддатли ривожланиши, ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизимларини ягона иқтисодий сиёsat асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожланиши ҳамда халқаро савдо-сотиқни кенгайтиришда мувофиқликни баҳолаш тизими ва бажариладиган жараёнларни бирхиллаштириш зарурияти юзага келмоқда. Шуни тасдиқлаб ўтиш керакки, барча тизимлар ва мувофиқликни баҳолаш жараёнларида ҳамма қизиқувчи томонларни жалб қилиш, очик-ойдинлик ва савдода ортиқча тўсиқларни яратмаслик, ҳақ-хукуқларини чекламаслигини кўзда тутиб мақсадли ҳаракат қилиниши керак. Шу мақсадда дунё бўйича тан олинган стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилоти барча мамлакатлар, яъни ривожланаётган давлатлар учун ҳам мувофиқликни баҳолаш тизимида қатор халқаро стандартларни амалий аниқлаб берган.

Мувофиқликни баҳолашнинг асосий тамоилилари ISO/IEC 60 халқаро қўлланмасида аниқлаб берилган. Мувофиқликни баҳолаш фаолиятида қатнашувчи барча ташкилотлар жумладан, мувофиқликни баҳолаш ва аккредитлаштириш бўйича идоралар қуйидаги шартларни бажарилари лозим:

- ўз фаолиятини халқаро стандартлар ва ISO/IEC қўлланмаларига асослаши;
 - ўзининг техник лаёқатлигини ушлаб туриш, яъни мувофиқликни баҳолаш натижаларини тан олишни соддалаштириш ва маҳсулот, жараён, тизим, шахс ёки идораларни ўрнатилган талабларга мувофиқлигини етарли даражада кафолатлаши;
 - барча маҳфий маълумотларни ҳимоялаши;
 - ўз фаолиятини касбий ҳалоллик билан амалга ошириши, ахлоқ-одоб тамойилларига риоя қилиш ва камситмасликка қаратилган тарзда ва томонларни барча низоларидан ўзини четга олиши;
 - адолатли ва самарали тарзда тезкорлик билан ишлаши, аризани кўриб чиқиши ва баҳолашни бажариши;
 - шикоят ёки апелляция ҳолатларини қўриб чиқишда адолатли ва самарали тарзда, тезкорлик билан тўғриловчи амалларни амалга ошириши зарур;
 - мувофиқликни баҳолаш, мувофиқлик гувоҳномасини бериш ҳақидаги тасдиқловчи қарор ёки уни рад этилиши, бекор қилиш, тўхтатиш ва фаолиятга чек қўйиш бўйича фаолиятлари ҳақидаги ёзувларни юритиш ҳамда сақлаши;
 - барча аризачиларга таклиф этилаётган хизматлар ва унинг учун тўлов шартлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилишга тайёрлиги ҳамда бериладиган сертификатлар, аккредитлаш соҳаси ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар мавжудлиги;
 - ўзининг лаёқатлилигини мувофиқ механизмлардан (масалан, аккредитлаш, эксперт баҳолаш) фойдаланиш йўли билан намойиш қилиши;
 - мувофиқликни баҳолаш жараёни ҳақида мувофиқ ҳужжатлаштирилган кўрсатма билан ҳисботни, зарурият бўлса, аниқланган номувофиқликларни ёки талаб қилинган тўғриловчи амалларни аризачига тақдим этиши;

- мувофиқлик белгисидан фойдаланилган ҳолатларда бу белги билан боғлиқ бўлган нотўғри фойдаланишлардан ҳимоя қилиш учун қўллаш қоидалари ёки шартларини таъминлаши;
- ривожланаётган мамлакатлар иштироки билан боғлиқ бўлган муаммоларни ва ривожланган мамлакатлар фаолияти натижаларидан фойдаланишни ҳисобга олиш.

Бошқа асос солувчи ISO/IEC 17000 халқаро стандарти бўйича **мувофиқликни баҳолаш** бу «маҳсулот, жараён, тизим, шахс ёки идораларга берилган талабларни бажарилишини асослаши ёки исботлаши» бўлиб ҳисобланади деб ифодаланади. Бунда мувофиқликни баҳолаш деганда, шундай фаолият турлари яъни синов, назорат, мувофиқликни тасдиқлаш ҳамда мувофиқликни баҳолаш бўйича аккредитланган идоралар тушунилади. Синов лабораториялари, сертификатлаштириш бўйича идоралар ва назорат идоралари ҳамда мувофиқликни баҳолаш бўйича идораларни аккредитлаш идораларнинг мувофиқликни баҳолаш бўйича амалга оширилаётган фаолиятлари мувофиқлаштирилади. «Мувофиқликни тасдиқлаш» жараёни «аризани (сертификат кўринишида расмий ҳужжат ёки мувофиқлиги тўғрисида декларация), объектни текширувдан сўнг белгиланган талабларни бажаришини исботланганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинганлиги асосида бериш» сифатида ифодаланган жараёндир.

ISO/IEC 17000 стандарти бўйича **аккредитация** бу «мувофиқликни тасдиқловчи учинчи томон, мувофиқликни баҳолаш бўйича идорага тегишли бўлиб, мувофиқликни баҳолаш бўйича муайян топшириқларни бажариш учун унинг лаёқатлилигини расмий исботлашда хизмат қиласи».

Мувофиқликни тасдиқлашда иккита асосий ёндошув: маҳсулотларни сертификатлаштириш ва декларация қилиниши мавжуддир. Мувофиқлик ҳақидаги декларацияни тақдим қилиш ёки сертификатни бериш мувофиқликни тасдиқлашнинг натижалари бўлиб ҳисобланади. Мувофиқликни тасдиқлашни истеъмолчилар ҳам амалга оширишлари мумкин лекин, бунда расмий ҳужжат тўлдирилмайди.

Хар қандай мувофиқликни тасдиқлаш тизимида мувофиқликни баҳолаш учун меъёрий хужжатлардан фойдаланилади ва амалда кўлланилади. Мувофиқлик тўғрисидаги маълумотлар тайёрловчининг ўзига, истеъмолчиларга, назорат идораларига, яъни турли ҳолатларда бозорда маҳсулотлар ҳаракати бўйича ҳукумат идораларига бундай хужжатлар керак бўлади.

Мувофиқликни тасдиқлаш тизимида маҳсулотни баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар икки усули яъни сертификат ёки декларация шунингдек, мувофиқлик белгиси қўлланилади.

Мувофиқликни тасдиқлаш тизимида учта шакл бўйича, булар: рухсат, сертификатлаштириш тизими аъзоси ва иштирокчи сифатида иштирок этиш мумкин.

Аризачи ёки талабгор (маҳсулот етказиб берувчи) учун мувофиқликни тасдиқлаш тизимига рухсат ушбу тизим қоидалари билан мувофиқликни декларациялаш ёки сертификатлаштиришни амалга ошириш имкониятини белгилайди. Иштирок этувчи – бу сертификатлаштириш идораси ёки декларацияловчи ташкилот бўлиб, ўзининг фаолиятида ушбу тизим қоидаларини қўллайди, лекин тизимни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Тизим аъзоси – бу нафақат сертификатлаштиришни амалга ошириш билан бирга халқаро, худудий ва миллий даражада сертификатлаштириш тизимини бошқаришда қатнашувчи идоралар бўлиши мумкин.

Мувофиқликни тасдиқлаш халқаро савдони ривожланишида кўмаклашиш аҳамиятига моликдир. Лекин, мажбурий сертификатлаштириш сертификатлаштиришнинг техник тўсиқларида маълум бўлиши мумкин. Техник тўсиқларни бартараф этиш савдода мувофиқликни тасдиқлаш бўйича ишлар натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишувни осонлаштиради, яъни мамлакатлар сонига боғлиқ ҳолда, бошқа томонлар фаолияти натижаларини бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама тан олиш бўлиши мумкин.

Тан олиш бўйича келишув, яъни бошқа томонлама тақдим қилинган мувофиқликни баҳолаш тизимларида ўрнатилган функционал

элементларининг бир нечтаси ёки биттасини қўллашдан олинган бир томонли натижаларни қўллаш асосида келишув деб юритилади.

Бу мувофиқликни тасдиқлаш натижаларини тан олишнинг мазмуни умумий натижаларга алоқадорлик, нафақат синовга (синов бўйича келишув) ёки фақат назоратга (назорат бўйича келишув) сифатида тан олиш мумкин. Тан олиш бўйича келишув халқаро, худудий ва миллий даражаларда якунланади.

Бир томонлама келишув бир томон ишларининг натижаларини кўп томонли қабул қилишдан иборат бўлади.

Икки томонлама келишув мазмуни, ўзаро тан олиш бўйича келишув бўлиб, у ҳар бир томон ишлари натижаларини бошқа томонлар қабул қилинишини қамраб олади.

Кўп томонлама келишув бу ишлар натижаларини икки томондан кўпроқ ўзаро тан олиш тўғрисидаги келишишдир.

Охиргисига алоқадор келишув, яъни стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитлаштириш бўйича Евроосиё доирасида давлатлараро кенгаши 1992 йилда МДХ мамлакатларининг ҳукуматлари Келишув қабул қилишди.

Тарифсиз тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари билан боғлиқ муаммолар Савдода техник тўсиқлар (СТТ) бўйича келишувда ўз аксини топди. Сертификатлаштириш соҳасида тўсиқлар келишивида мувофиқликни баҳолаш ва баҳолаш натижаларини тан олиш жараёнлари масалаларига тўхталиб ўтилди. Ички товарларни ишлаб чиқариш учун ва импорт қилинаётган маҳсулотлар учун энг мақбулидан кам бўлмаган тартиб яратиши лозимлигининг умумий тамойиллари келишувида ифода этилган.

Ўзбекистон учун сертификатлаштириш миллий тизимида БСТга қабул қилиш йўли бўйича ҳаракатига имкон берувчи СТТ/БСТ ўрнатилган қоидалар қабул қилинди ва бунинг учун асосий бандлардаги қўйидаги масалаларни ҳал қилиниши лозим:

- халқаро мувофиқликни тасдиқлаш тизимларида ва маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш соҳасидаги муаммолар билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ишларида қатнашиш;
- мувофиқликни тасдиқлаш ва синов натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида хорижий мамалакатлар миллий идоралари билан келишувларни киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимидағи сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларини хорижий аккредитлаштириш;
- сертификат ва синов баённомаларини ўзаро тан олиш бўйича хорижий миллий идоралар ва маҳаллий идораларни ўзаро келишувини тузиш;
- аккредитлаш бўйича миллий идора халқаро келишувда яъни (сертификатлаштириш идораларини аккредитлаштириш бўйича халқаро форм) ва ИЛАС (лабораторияларни аккредитлаштириш бўйича халқаро конференция) га тўла ҳукуқли аъзо сифатида бўлиши.

Сертификатлаштиришнинг асосий ташкилий ва услубий тамойиллари қуидагилар бўлиб ҳисобланади:

- сертификатлаштириш обьектлари тўғрисидаги маълумотларни ишончлилигини таъминлаш;
- истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилардан мустақиллик ва холисоналик;
- хорижий мурожаатчиларга муносабат бўйича камситиш, ҳукуқларини чегаралашни истесно қилиш;
- мурожаатчининг синов лабораторияси ва сертификатлаштириш идораларини танлаш ҳуқуки;
- сертификатлаштириш экспертлари ва қатнашчилари жавобгарлиги;
- сертификатлаштириш натижалари ёки мувофиқлик сертификати (белгиси) муддатини тугаши тўғрисидаги маълумотларни аниқ ва равшанлиги;

- сертификатлаштириш объекти хусусиятларини, уни ишлаб чиқариш ва истеъмолини ҳисобга олиб кўп қиррали ва моҳирона синов усуллари;
- сертификатлаштириш фаолиятида қўлланмалар ва халқаро ISO/IEC туркумли стандартлар, EN 45000 туркумли Европа нормалари ва бошқа халқаро хужжатлардан фойдаланиш;
- Ўзбекистонда қатнашувчи турли хил келишувлар асосида хорижий аккредитланган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларини, мувофиқлик сертификати ва белгисини тан олиш;
- савдо сирларидан таркиб топган маълумотлар махфийлигига риоя қилиш;
- зарурият бўлган ҳолатларида сертификатлаштириш ишларига истеъмолчилар жамиятини жалб қилиш.

Баҳолаш бўйича ишларни базавий босқичи бўлиб маҳсулот намунасини танлаш ва синаш, сифат менежменти тизими (ишлаб чиқариш)ни баҳолаш ва аудити, сертификатлаштирилган маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш инспекцион назорати ҳисобланади. У ёки бу ишларда аниқланган кетма-кетликда ва схемани аниқлаш (хорижда - модуль) мувофиқликни тасдиқлаш қўлланилиб ва шунингдек, амалдаги миллий қонунчиликни ҳисобга олиб сертификатлаштириш идораси ёки декларациялаш ташкилоти буларни танлайди.

1.2. Мувофиқликни баҳолаш соҳасида халқаро ташкилотларнинг фаолияти

Йирик халқаро ташкилот бўлиб ҳисобланмиш жаҳон савдо қоидаларини ва шартларини ишлаб чиқишини мақсад қилиб белгилаган Савдо ва тарифлар бўйича Бош келишув (Генеральное соглашение по тарифам и торговле - ГАТТ) бўлиб ҳисобланади ва у 1947 йилдан фаолият юритиб келмоқда.

1993 йил декабрда ГАТТ доирасида кўп томонлама савдо муросалари Уругвай (саккиз) раундида ГАТТ ни Бутун жаҳон савдо ташкилоти (БЖСТ)

га ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинди. БЖСТ 1995 йил 1 январ кундан расмий иш бошлаган бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда 125 давлат БЖСТнинг аъзоси ҳисобланиб, БЖСТ жаҳон товар алмашинувининг 90% га яқини улар томонидан амалга оширилади. Шу мақсадда БЖСТ ишчи идоралари фаолиятида 170 дан ортиқ давлатлар турли шаклларда қатнашади. 20 га яқин давлат Бош келишувга қўшилиш арафасида. БЖСТнинг ташкилий тизими келишув базисини ўзида намоён қилиб, бундан ташқари, яъни Токио раундида қўп томонлама савдо музокаралари давомида (1973-1979 йиллар) Бош келишув қоидаларини алоҳида кенгайтириш ва аниқлаштириш, сектор келишуви тузилди. Сектор келишувлардан бири савдода техник тўсиқлар бўйича келишув бўлиб ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган келишувнинг асосий талаблари уч гуруҳда шаклланиши мумкин.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасида. Томонлар ишлаб чиқилаётган ва қўлланилаётган мувофиқликни баҳолаш тизими халқаро савдода тўсиқларни яратмаслигига кафолат бериши лозим.

Мувофиқликни баҳолашда, стандартларга ёки техник регламентларга маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлаш қўлланилиб, иштирокчи давлатлар қуидаги шартларни бажаришлари шарт:

- таъминотчининг маҳсулотга жавобгарлиги учун чиқарилаётган маҳсулот билан бошқа давлат ҳудудларида қатнашиш, ўхшаш маҳсулот таъминотчиси учун баҳолашни ўтказишга рухсатни энг қулай шаклда мувофиқликни баҳолаш жараёни ишлаб чиқади ва қўллайди;
- мувофиқликни баҳолаш жараёни ўта қатъий бўлмаслиги ёки ўта қатъийлик зарурият бўлганда номувофиқлик келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳисобга олиб маҳсулот стандартлар ва техник регламентларга тасдиқлаш учун қўллаш;
- мувофиқликни баҳолаш ҳар бир жараёнини ўтказиш даврида, бундаги талабгорга лаёқатли идора унинг талабномасини аниқлаштириш ва зарурият бўлганда ўз вақтида тўғриловчи амалларни қабул қилиш ҳолатлари

ҳамда баҳолаш натижаларини унга хабар қилишига талабгорнинг ўзи харажатларни амалга ошириши лозим;

- маҳсулот, бошқа давлат қатнашчиси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигига ҳам маҳаллий маҳсулотлар каби риоя қилинади;
- бошқа давлат қатнашувчиси ҳудудида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш учун чақирилган, шунингдек маҳаллий маҳсулотлари мувофиқлиги учун мувофиқликни баҳолаш идораси ва талабгор ўртасида ҳудудий фарқлар туфайли юзага келган харажатлар рўйхати учун тўловлар бўлиши лозим;
- мувофиқликни баҳолашдан кейин маҳсулот талабларига техник ўзгартиришлар киритилган ҳолатларда маҳсулот стандартлар ёки техник регламентларга мувофиқ сақланишига ўзгариш таъсирлари ўрнатилиб модификация қилинган (турлаш) маҳсулот мувофиқликни баҳолаш жараёни чегараланади;
- мувофиқликни баҳолаш жараёнини бажаришга боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш механизми ўрнатилган бўлиши лозим.

Агар халқаро ташкилот тавсияларига мувофиқ амалда бўлмаган ёки мувофиқликни баҳолаш тизими халқаро ташкилотлар тавсияларидан фарқ қиласа ва бу тизим бошқа давлатлар савдосида аҳамиятли таъсир қиласа томонлар қўйидагиларга мажбур:

- олдин таклиф қилинаётган мувофиқликни баҳолаш тизими ҳақидаги хабардор қилишни қандай қилиб босиб чиқариш яъни қизиқувчи томонлар бу хабарлар билан ўз вақтида танишиши мумкинлиги;
- БЖСТ котибиатини таклиф қилинаётган тизим мақсадининг қисқача тавсифи, тизимда кўлланилаётган маҳсулотлар тўғрисида хабардор қилиш;
- таклиф қилинаётган тизим қоидалари ҳақида тўлиқ маълумотлар ёки бу қоидалар нусхасини бошқа томонларнинг ҳақ-хукуqlарини камситмасдан талаблар бўйича тақдим қилиш.

Кўрсатилган шартлар танланган давлат қатнашчилари худудида маҳсулотни текширувдан ўтказиш учун тўсиқларни юзага келтирмаслиги лозим.

Мувофиқликни баҳолаш жараёнини янада тўлиқ уйғунлаштириш мақсадида давлат қатнашчилари мувофиқликни баҳолашга таалуқли халқаро идоралар қўлланмаси ва тавсияларини ишлаб чиқишида фаол иштирокини қабул қилиш лозим.

Ишлаб чиқилаётган мувофиқликни баҳолаш жараёнлари муносабатида уларни ишлаб чиқишида аналогик шартларни стандартлаштиришда қабул қилинаётганлиги ҳақида ўз вақтида ва ойдинлик билан хабардор қилишни таъминлаш учун давлат-ишлаб чиқувчи барча шартларни бажаради.

Давлатларнинг хусусий мулк эгалари бошқа давлат қатнашчиси ўтказган мувофиқликни баҳолаш натижалари яъни бу баҳолаш жараёнида тафовут бўлса ҳам имконият бўйича тан олиши лозим. Тафовутларда стандартлар ёки техник регламентларда ўрнатилган мувофиқлигига холисона тўсиқлар бўлмаслиги лозим. Тан олишни асосан мувофиқликни баҳолашни ўтказувчи, халқаро ташкилотлар қўлланмалари ва тавсияномалари бўйича аккредитлаштиришда тасдиқланган техник лаёқатли идоралар олиб бориши лозим.

Иштирокчи давлатларга мувофиқликни баҳолаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги тузилган келишув учун музокаралар олиб бориш тавсия қилинади.

Агар зарур бўлса стандартларга ёки техник регламентларга маҳсулот мувофиқлигини тўлиқ ишонса, давлат-қатнашувчиси халқаро мувофиқликни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши, унинг аъзоси бўлиши ёки унинг ишларида қатнашиш имконияти мавжуд.

1.3. Аккредитлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар

Мувофиқликни тасдиқлаш ва баҳолаш натижаларини ўзаро тан олиш соҳасида давлатлараро ҳамкорлик аккредитланган сертификатлаштириш идоралари ва синов лабораторияларини тан олишга асосланади.

Халқаро амалиётда аккредитлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўртта асосий шаклда амалга оширилади:

- а) мувофиқликни баҳолашнинг барча соҳаси учун ягона аккредитловчи идоралар (Англия, Франция, Венгрия, Туркия ва бошқалар);
- б) аккредитлаштириш бўйича турли хил, бир-бирини такрорламайдиган соҳаларда фаолият юритувчи, булар сертификатлаштириш ва синаш сифатида ишлайдиган бир нечта идоралар (Италия, Япония);
- в) аккредитлаштириш бўйича марказий мувофиқлаштирувчи идораси мавжуд бўлган, бир-бири билан рақобат асосида иш юритувчи бир қанча идоралар (Германия);
- г) аккредитлаштириш бўйича рақобатчилик асосида уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилмаган бир қанча идоралар (АҚШ).

Кўпинча Европа давлатларида аккредитлаштириш бўйича ягона идора яратилган. Ягона идора билан аккредитлаштиришга ёндошувни кўпгина дунё давлатларида ва ЕИ даги афзаллигини кўриш мумкин. Ушбу ёндошув имкониятларига қуйидаги аккредитлаштириш бўйича ягона прейскурантда тўловларни амалга ошириш, эксперtlарни танлашда ягона ёндошув, аккредитлаштиришда ягона мезонларни қўллаш, халқаро келишув ва миллий қонунларни бажаришда давлат идоралари ва Ҳукумат билан алоқаларни енгиллиқда олиб боришни қўшиш мумкин.

Марказлашган тизим обрў-эътиборли бўлиб, бундай тизимга саноат гурухлари томонидан камдан-кам эътиrozларни келтириб чиқаради. Аммо марказлашган тизимнинг аккредитлаштириш қоидалар ва мезонлари турли хиллигини шак-шубҳасиз хизмат ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар салбий натижаларини айтиб ўтишади. Турли хил сертификатлар кўплаб иқтисодиёт

вакиллари ва маъмурий идоралар ва хорижий мамлакатларда тан олинмаслигини келтириб чиқаради.

Аkkредитлаштириш идораси яратиш, қоида сифатида Ҳукуматни қўллаши давлат меъёрий актлари асосида амалга оширилади. Ҳукуматни қўллашнинг мақсади хорижда ва давлатлардаги жамият кўз ўнгига ва аккредитлаштириш идорасига обрў-эътибор бериш бўлиб ҳисобланади. Давлат турли хил шаклда аккредитлаштириш идоралари фаолияти устидан шунингдек, аккредитлаштириш идоралар ва Ҳукумат ўртасида тузилган келишув ва меморандумлар асосида назоратни амалга оширади.

Миллий даражада давлат ичида мувофиқликни баҳолаш бўйича идоралар ишларининг натижаларини тан олишда, аккредитлаштириш мухим бўлиб ҳисобланади.

Давлатлар ўртасида мувофиқликни баҳолаш ишларининг натижаларини тан олишни ташкил қилиш ҳам аккредитлаштиришга асосланади. Бунда аккредитлаштириш идоралари билан келишув тузилади. Баъзи бир ҳолатларда келишув мувофиқликни баҳолаш бўйича идоралар ўртасида тузилади. Ҳозирги кунда бир қанча икки томонли ва кўп томонли келишувлар амал қилинмоқда. Масалан, уларга МФА, ИЛАК, ЕА таалуқлидир.

Аkkредитлаштириш бўйича халқаро форум (МФА), корпорация сифатида рўйхатга олинган бўлиб, мувофиқликни баҳолаш соҳасида шунингдек, сифат менежменти, маҳсулот, хизматлар, ходимлар ва бошқалар сифатида бундай соҳаларни мувофиқлигини баҳолашда бошқа қизиқувчи идораларни аккредитлаштириш бўйича бутун жаҳон ассоциация идораси бўлиб ҳисобланади.

Унинг асосий вазифалари бизнес учун хавф-хатарларни қисқартириш, мувофиқликни баҳолашга ягона ёндошувни ишлаб чиқишидир.

МФА аъзолари стандартларда ўрнатилганларга мувофиқ ходимларга ёки маҳсулот, ташкилот мувофиқлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи сертификатлар берувчи, рўйхатга олувчи ва сертификатлаштириш идораларини аккредитлайди.

МФАнинг бош вазифалари:

- унинг аъзоси амалдаги идора, ишларни ўтказиша лаёқатли (яъни қизиқувчилар муросаларини тасдиқламайди) бўлиб ҳисобланишини таъминлаш;
- МЛА аъзолари ўртасидаги ўзаро тан олиш тўғрисида келишувни тузиш негаки, бизнесда хавф-хатарларни қисқартириш ва сертификатга ва МЛАга ёзилаётган ҳамда сертификат берадиган ташкилотга, буортмачилар ўртасида ишончлилик муҳити яратиш. МЛА савдода техник тўсиқларни қисқартириш ва халқаро савдода эркинлик киритади.

МФАнинг расмий ҳужжатлари келишувни имзолаган идоралар билан келишилган қоидалардан таркиб топган, келишувни имзолаганлар қуидагиларга мажбур:

- ISO/IEC 17011 қўлланмалари ва МФА қўлланмалари ҳамда сифат тизимини сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралари ISO/IEC 62 (2007 йил билан ISO/IEC 17021:2006) Кўлланмаларидан, шунингдек МФА талабларидан фойдаланилсин;
- келишувда имзоланган бошқа идоралар аккредитлаштириш тизимини, ҳамда келишувда имзолаган бошқа аккредитланган идоралар, бошқа сертификатлаштириш бўйича аккредитланган идоралар берган сертификатларни ўзининг идораси учун эквивалент сифатида тан олади;
- шикоятларга фикр бериш, ўзининг тизимида ўзгаришлар хақида маълумот бериш, маҳфийликка риоя қилиш ва МЛА ишларида қатнашиш.

МФА нинг қуидаги йўналишлар бўйича дастури мавжуд:

- ўзаро тан олиш бўйича ва сертификатлаштириш ёки рўйхатга олиш, аккредитлаштиришни ўтказиш бўйича услугий қўлланмаларни ишлаб чиқиш;
- МФАга аъзо идораларининг ишларини лаёқатлиигини ва ҳаққонийлигини ҳамда беғарзлигини энг юқори меъёрларга мувофиқ таъминлаш;

- халқаро стандартлар ва қўлланмалар, МФА услугбий қўлланмалари бўйича уларни қўллаш асосида уйғунлашган аккредитлаштириш жараёни ва уни ишлатиш;
- муайян тармоқ эҳтиёжини қондириш мақсадида муайян секторларга хос мувофиқликни баҳолаш схемаси ишлари бўйича жараён, қоидалар ва услугбий қўлланмалар ишлаб чиқиш;
- ҳукумат ва регламент талабларини бажариш мақсадида соҳага мувофиқ дастур ишлари учун жараён, қоидалар ва услугбий қўлланмалар ишлаб чиқиш;
- аккредитлаштириш бўйича идоралар ўзаро маълумот алмашиниш;
- баҳолаш бўйича эксперtlар ва бошқа ходимларни ўқитиш бўйича ҳамкорлик;
- ISO ва бошқа халқаро ташкилотлари ишларига ҳисса қўшиш;
- аккредитлаштириш бўйича ҳудудий гуруҳ идоралари билан алоқа қилиш;
- бошқа мувофиқ идоралар билан яъни ILAC (ИЛАК), ISO/CASCO (ИСО/КАСКО) ва саноат гурухлари билан алоқа қилиш;
- иқтисодиётда кам ва ўрта фойда олаётган давлатлар аккредитлаштириш идорасига ёрдам кўрсатиш.

МФАнинг юқори ваколатли идораси бўлиб, унинг аъзоларини Умумий ииғилиши (форум) ҳисобланади.

Синов лабораторияларини аккредитлаштириш бўйича халқаро конференция ИЛАК (International Laboratory Accreditation Conference) биринчи марта 1977 йили ташкил этилди.

ИЛАК ҳамкорлик бўйича ташкилот сифатида 1996 йилда расмийлаштирилиб, унда 44 миллий идора ўзаро тушуниш тўғрисида Меморандум имзолашди. Меморандум келажакда ҳамкорликни ривожлантириш ва ИЛАК аъзолари якуний ўзаро кўп томонли келишувни ўрнатишини таъминлайди.

ИЛАК халқаро форуми унинг ишларида алоҳида давлат мутахассислари ва халқаро савдо бўйича маҳсулотнинг синов натижаларини ўзаро тан олишда юзага келаётган техникавий жиҳатлар ва хуқуқий масалалар бўйича малака ва маълумот алмасиниш мақсадида қатнашишни қабул қиласди.

ИЛАК вазифаларига лабораторияларни аккредитлаштириш мезонларини халқаро миқёсида уйғунлаштириш билан бирга миллий ва халқаро даражада амал қилувчи сертификатлаштириш идоралари билан фаол ҳамкорлик қилиш ёрдамида халқаро савдода техник тўсиқларни тугатиш киради.

ИЛАК даврий равишда янгиланувчи «Синов лабораториялари ва уларни аккредитлаштириш бўйича халқаро маълумотнома» ва «Синов лабораторияларини аккредитлаштириш бўйича библиография» нашр этиб КАСКО, ИСО, ЕЭС, ВТО лар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради.

Синов лабораторияларни аккредитлаштириш синов натижаларига ўзаро ишончлиликни ўрнатиш учун муҳим қадам бўлиб, бинобарин, савдода техник тўсиқларни аҳамиятли қисқартирувчи аккредитлаштиришни халқаро даражада тамойиллар ва жараёнлар келишув асоси бўлиб ҳисобланади. ИЛАК доирасида лабораторияларни аккредитлаштириш ISO/IEC 17025 халқаро стандарти асосида асосланган.

Аkkредитлаштириш бўйича Европа ҳамкорлиги (ЕА) ЕАС (сертификатлаштириш идораларини аккредитлаштириш бўйича Европа ташкилоти) ва ЕАЛ (лабораторияларни аккредитлаштириш бўйича Европа ҳамкорлиги)ларни қўшилиши натижасида 1997 йилнинг ноябрида асосланган. ЕА мувофиқликни баҳолашнинг барча соҳаларида: текшириш, синаш, назорат, бошқариш тизимини сертификатлаштириш, маҳсулотларни сертификатлаштириш, қурилмаларни сертификатлаштириш, Европа экологик бошқарув тизими ва аудит (ЕМАС) қоидаларига мувофиқ экологик бошқарув тизимини текшириш ва сертификатлаштиришларни аккредитлаштириш билан шуғулланади.

ЕА га аъзо барча ташкилотлар халқаро даражада аккредитлаштиришни амалга ошириши учун сертификатлаштириш идоралари, назорат идоралари, баҳолаш лабораторияларида ягона бўлган стандартда ва ундан фойдаланиши лозим. Буни тасдиқлаш учун ЕАга аъзо ташкилотлар бир-бирининг фаолиятини текширишни амалга оширишади. Текшириш натижалари ижобий бўлган ҳолатларда бу ташкилотлар назорат идораларини ёки синов лабораторияларини ва сертификатлаштириш идораларини аккредитлаштириш тўғрисида кўп томонлама мувофиқ келишувини имзолаши мумкин. Бунинг учун келишувни улар бир-бирининг тизимларини ва бу тизимда аккредитланган бошқа идоралар берган синов баённомалари ва сертификатларини тан олишади.

Кўп томонлама келишувни имзоловчи ташкилотлар ўзининг аккредитлаштириш фаолиятини баҳолаш, назорат ва қайта баҳолашларни узлуксиз ва пухталик билан бир-бирига таққослаш йўли билан тенг қийматлилигига кафолат беради.

Ўтказилаётган баҳолаш келишилган ва чоп этилган тамойиллар, МЛА аъзолигига номзодлар ва ташкилот аъзоларининг экспертизасига асосланади. Эксперт комиссияси аккредитлаштириш ташкилоти қабул қилган мезонларни ва биринчи навбатда EN 45003 стандарти ва ЕА ҳужжатларига мувофиқлигини синчковлик билан текширади. Фақат бу талабларга жавоб берувчи ташкилот МЛА га кириши ва унинг аъзолигини саклаб қолиши мумкин.

Кўп томонлама келишувга қатнашувчи барча аккредитланган ташкилотлар лаёқатлилиги, бир хил даражада моликлиги кафолатланган. Бундай ҳолат кўп карали баҳолашни қисқартиради ёки улардан мустасно қиласди. Бошқача сўз билан айтганда, таъминотчи Европа хукумати ва халқаро бозор ҳамда Европа жамияти талабларини қондиришига, ҳаммаси учун, битта сертификат олиши етарлидир.

ЕА алоҳида миллий аккредитлаштириш идораси ёки улар билан икки томонлама келишувни имзолаш йўли билан Европа бозори ва хукумати, Европа худуди учун аккредитлаштириш идоралари худудий гурухини ҳосил

қилиш ва кенгайтиришга хизмат қиласи. ЕА шунингдек МФА ва ИЛАК билан кенг доирада ўзаро фаолиятда бўлиб қуидагиларни таъминлайди:

- Европада аккредитлаштиришга ягона ёндошув;
- МЛА ҳамкорлари томонидан синов баённомалари ва сертификатларни ҳамма жойда тан олиниши;
- миллий доираларда тан олинган аккредитлаштириш тизимлари ўртасида ўзаро ишонишни;
- аккредитлаштириш бўйича стандартларни уйғулаштириш;
- МЛА ҳақиқий ва ассоциацияси аъзолари ўртасида техникавий билимларни алмасиши;
- ўлчашларнинг узатувчанлиги;
- ЕА аъзоларининг кўп томонлама, ЕА га кирмаган аккредитлаштириш идоралари ва худудий гурухлар, ҳамда улар билан муносабатини ривожланиши.

ЕА аъзолари барча аккредитлаштириш соҳаларида малакавий ва чукур билимга эга бўлишади. Улар Европа Иттифоқи фаолиятига катта ижобий ҳиссаларини қўшишади ва улар қуидагича:

- аккредитлаштириш соҳасида мувофиқликни баҳолаш бўйича Европа мутахассисларини тақдим қиласи;
- ЕС миллий миқёсда тан олинган фойдаланувчи аккредитлаштириш тизимларини яратиш бўйича маслаҳатлар кўрсатиш ва мутахассислар тайёрлашга ёрдам кўрсатади;
- лозим бўлган техник билимларни тақдим қилиш, яъни ЕС Европа давлатлари бўлмаган мамлакатларнинг аккредитлаш идораларини баҳолаши мумкин;
- Европа директивларини қўллашни енгиллаштирувчи, ягона шаклдаги аккредитлаштиришни таъминлайди.

ЕА идорасининг юқори раҳбарияти Генерал ассамблея ҳисобланади. Унда раис, котиб ва назорат идоралари, синов лабораториялари, аккредитлаштириш ва сертификатлаштириш идораларининг вакиллари

қатнашади. Кундалик ишларни Котибиат ва техник қўмитага суянган Бажарувчи қўмита олиб боради.

ЕА га аъзоси ва аккредитлаштиришга талабгорларнинг фикр ва мулоҳазалари мустақил форум (аккредитлаштириш бўйича ЕА Кенгаши) мунозалари давомида аккредитлаштириш ва сертификатлаштиришга барча қизиқувчи томонлар тақдим қилганда ҳисобга олинади.

1.4. Европа давлатларида мувофиқликни тасдиқлашга янгича ёндошув

СТТ (ТБТ) бўйича ВТО келишуви мувофиқликни баҳолаш натижаларини ўзаро тан олиш амалиётда ривожланди. Дастреб бу ноҳукумат ташкилотлари ўртасида икки томонлама ўзаро келишуви, вақт ўтиши билан улар ҳукумат идоралари (агентлик) даражасида кўп томонлама келишув бўлди.

Келишув қатнашчилари лаёқатлилигини баҳолаш ISO/IEC қўлланмалари ва стандартларига аккредитлаштириш идоралари фаолиятини бошқариш учун мўлжалланган ISO/IEC 17011 ва комплекс хужжатлари, аккредитлаштириш обьектига (аккредитация мезонлари) ўрнатилган талаблар, ISO/IEC 65:1996, ISO/IEC 17020:1998, ISO/IEC 17021:2006, ISO/IEC 17024:2003, ISO/IEC 17025:2005 стандартларига мувофиқ шаклланган талаблар асосида амалга оширилади.

Ҳар бир ҳолатда келишув бўйича бошқа ташкилот қатнашчиларининг эксперт гурухлари жалб қилиниб баҳолаш амалга оширилади.

Мажбурий мувофиқликни тасдиқлаш сертификатлаштириш ва синаш ҳамда техник шартларга глобал ёндошиш ва стандартларни техникавий ўйғунлигига Янгича ёндошув доирасида ишлатилади.

Мувофиқликни баҳолашга Янгича ёндошувнинг асосий тамойиллари куйидагилар ҳисобланади.

Махсулотга мажбурий талаблари (хавфсизлик талаблари) директивларда (қонуний актларда) ўрнатилади. Уларда мувофиқликни баҳолаш учун қўлланиладиган жараёнлар кўрсатилиши лозим.

Маҳсулотга муайян талаблар ихтиёрий статусига эга бўлиб, у стандартларда ўрнатилади. Стандартлар директивалар талабларига уйғунлашган қоида сифатида бўлади.

Маҳсулот уйғунлашган стандартларга мувофиқ яратилган бўлса, уни директивалар талабларига мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлаш жараёни уйғунлашган стандартларга асосланади.

Агар тайёрловчи уйғунлашган стандартлардан фойдаланишни хоҳламаса, унда учинчи томон ёрдами билан, у, маҳсулотни директивалар талабларига мувофиқлигини исботлашга мажбур.

Глобал ёндошув қуидаги тамойилларга асосланади:

Маҳсулот мувофиқлигини баҳолашнинг натижалари тенг қийматлилиги инобатга олиниб бир қанча жараёнларидан фойдаланилади.

Жараёнлар ё лойиҳалашга, ёки ишлаб чиқаришга, ёки, у бошқага таалуқли модуллардан таркиб топади.

Баҳолаш жараёнларини тайёрловчи тақдим қиласи, директивада ўрнатилган қаторидан танланади.

Баҳолаш натижаси кўрилаётган маҳсулот ёки ишлаб чиқариш (сифат менежменти тизими) назорати тенг қийматли сифатида қаралади.

Мувофиқликни баҳолаш жараёни директива талабларига боғлиқ бўлиб, учинчи томон бўлувчи аккредитланган (ёки ваколатли) идора ва тайёрловчи (биринчи томон) амалга оширади.

Мавофиқликни баҳолаш натижаси бўлиб декларация мувофиқлиги ва СЕ белгиси билан маҳсулотни тамғалаш ҳисобланади (1- расм).



1 - расм. СЕ белгисининг чизмаси ва ташқи кўриниши.

Иккала ёндошув ҳам кенг миёсда маҳсулотларни эркин айланиши ва уларнинг хавфсизлигини керакли даражада таъминлашда ЕС шартларини яратишга йўналтирилган. Бунда Янгича ёндошув асосан маҳсулотларга

талабларни аниқловчи ягона умумевропа меъёрий базасини яратиш ва бу талабларга маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш қисмида Янгича ёндошув қоидаларини Глобал ривожланиши назарда тутилади.

Янгича ва Глобал ёндошувлар маҳсулот талабларига ва уни мувофиқлигини баҳолаш процедураларига ягоналигини таъминлаш Европа директивалари орқали амалга оширилади.

Техникавий уйғунлик бўйича директиваларни кўллаш учун мўлжалланган СЕ тамғалашни кўллаш ва қўйиш қоидалари ва мувофиқликни баҳолашнинг турли хил фазалари модуллари бўйича ЕС Кенгашининг 1993 йил 22 июлдаги 93/465/EEC қарори модули ёндошувни кўллаш ўрнатувчи, мувофиқликни тасдиқлаш бўйича ЕС асос солувчи хужжатлари бўлиб ҳисобланади.

Қарорда мувофиқликни тасдиқлаш процедураси (модуллари) таркиби, техникавий уйғунлик бўйича директивалар ишлаб чиқишида уларни мезонларини танлаш ҳамда лойиҳалаштириш, тайёрлаш, бозорга чиқариш ва эксплуатация қилиш ёки маҳсулотга кўллашга таалуқли қонунчиликка мувофиқ СЕ тамғасини қўйиш қоидалари бўйича тавсиялар таркиб топган.


Маҳсулот меъёрий талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга модулли ёндошув қўйидаги хусусиятларни тавсифлайди:

- мувофиқликни тасдиқлаш турли хил турдаги маҳсулотлар учун кўлланувчи «модуллар» жараёнларига бўлинувчи жараён сифатида;
- модуллар ё лойиҳалаштириш босқичида, ёки уни ишлаб чиқариш босқичида, ёки иккала босқичларда қўлланилади;
- саккизта асосий модуллар ва саккизта турли хил мувофиқликни тасдиқлаш жараёнлари тўплами ҳамда уларнинг модификацияси бўлиши мумкин;
- мувофиқликни тасдиқлаш маҳсулот ўрнатилган талабларга мувофиқлиги (ёки номувофиқлиги) тўғрисидаги қарор қабул қилиш ва СЕ мувофиқлик билан тамғалашни киритиш имконияти билан тугалланади;

– мувофиқликни тасдиқлаш жараёни биринчи томон (тайёрловчи) ёки учинчи томон (аккредитланган ёки ваколатли идора) қатнашувиға асосланади.

Махсулот мувофиқлигини баҳолаш унинг ҳаётий даврининг турли хил босқичларда модуллари ўзаро алоқадорлик схемаси 2-расмда келтирилган.

Лойиҳалаштириш босқичлари Ишлаб чиқариш босқичлари



2 - расм. Мувофиқликни баҳолаш модулларининг ўзаро алоқадорлик схемаси

Асосий ва бир қанча модификацияланган мувофиқликни тасдиқлаш модуллари ва уларнинг тавсифлари қўйидаги 1-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, мувофиқликни тасдиқлаш жараёнлари асосини А, В, С, Д, Г, Е, Ф, Н, модуллари ташкил қиласи, яъни модификацияси зарур бўлганда турли хилини бирга қўшиш ва ҳосил қилиш билан фойдаланиш мумкин.

Жадвал 1.

Мувофиқликини баҳолаш Европа модулларининг тавсифлари

Модулни белгиланиши	Модулнинг тамойиллари	
	Тайёрловчи фаолияти	Ваколатли идора фаолияти
A Модул – Маҳсулотни ички назорати	Техникавий хужжатларга мувофиқлигини хусусан исботланишини ўтказиш. Мувофиқлик тўғрисида декларация қабул қилинади.	
B Модул – Намуна турини синаш		Техникавий хужжатларга қаралади. Маҳсулот намунаси синалади. Тур сертификати берилади
C Модул – Намуна турига мувофиқлик (B модуль бажарилгандан сўнг)	Мувофиқлик тўғрисида декларацияция қабул қилинади	
D (E) Модул – Ишлаб чиқаришга (маҳсулот) сифат кафолати (B модуль бажарилгандан сўнг)	2) Мувофиқлик тўғрисида декларацияция қабул қилинади.	1) Сифат тизими баҳоланади 3) Сифат тизими устидан назорат амалга оширилади
F Модул – Маҳсулотни текшириш (B модул бажарилгандан сўнг)	3) Мувофиқлик тўғрисида декларацияция қабул қилинади	1) Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўпи назорати амалга оширилади. 2) Текширилган тўпга мувофиқлик сертификати берилади.
G Модул – Маҳсулот бирлигини текшириш	3) Мувофиқлик тўғрисида декларацияция қабул қилинади	1) Ҳар бир буюм синови ўтказилади. 2) Текширилган маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилади.
H Модул – Сифавга тўлиқ кафолат	2) Мувофиқлик тўғрисида декларацияция қабул қилинади.	1) Лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш босқичларида сифат тизими баҳоланади 3) Сифат тизими устидан назорат амалга оширилади

Демак, А, С, Н модуллари муайян директивни ишлаб чиқишда күшимча қоидалар билан ёрдамчи талаблар бўлиши мумкин.

С модули В модули билан бирга қўллаш учун мўлжалланган.

Д, Е, F модуллари В модули билан қоида сифатида қўлланилиб, одатда ўзига хос ҳолатларди улар алоҳида қўлланилиши мумкин.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, деярли барча модуллар сертификатлаштирувчи идора ёки ваколатли идора исботлаш базасини таъминлашда иштирок этиши назарда тутилган. Кўпроқ бу модуллар дастлаб (А ва С модуллар) учинчи томон иштирок этиши мўлжалланмаган бўлсада ва кейинчалик буларда иштирок этиши билан такомиллаштирилди. Бундан ташқари бир неча модуллар доирасида масалан, В, Ф модулларда маҳсулот сертификатини ваколатли идоралар бериши, яъни мувофиқлик тўғрисида декларация қабул қилишда тайёрловчи фойдаланадиган исботловчи базаси киритилди.

Модулларнинг (D, Н модуллари) муҳим элементлари бўлиб ISO 9001 стандарти талаблари бўйича таъминотчи сифат менежменти тизимини сертификатлаштириши ёки мувофиқликни баҳолаш процедураси хизмат қиласди. Бунда чиқувчи ҳужжатлар таркибига киравчи исботловчи асослар бўлиб маҳсулот мувофиқлигига қўлланилувчи, яъни баҳолашда турувчи сифат тизими сертификат ёки баҳолаш далолатномалари хизмат қиласди.

У ёки бу ҳолатларда ҳам тайёрловчидан техникавий ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш талаб этилади. Техникавий ҳужжатларда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва лойиҳалаштириш босқичлари ҳақида маълумотлар киритилади.

Сертификатлаштириш натижаларини тан олиш масалалари бўйича МФА иштирокидаги аккредитлаштириш бўйича идоралар иш олиб боришади. Шунингдек, синов ҳолатларида - ИЛАК жалб этилади. Иккала ташкилотлар аккредитлаштириш бўйича фаолиятлари натижаларини ўзаро тан олишга харакат қиласдилар ва амалий фаолиятларини уйғунлаштирадилар.

Мувофиқликни баҳолаш қўйидагича амалга оширилиши мумкин: учинчи томон (ташкилот ёки шахс) синов ўтказувчи ёки таъминотчи

билин боғлиқ бўлмаган сертификатлаштириш, иккинчи томон – мувофиқлик объектидан фойдаланувчи ёки биринчи томон таъминотчининг ўзи. Бу ҳолатларда у таъминотчи мувофиқлик тўғрисида декларация тақдим қилинади. Таъминотчининг ўзи синовни ўтказиши мумкин ёки шартнома бўйича буни учинчи томонга беради. Агар синов натижалари талабларга мувофиқлигини тасдиқласа, таъминотчига бу хақида декларация расмийлаштирилади.

Маълумки, мувофиқликни баҳолаш – маҳсулот ишлаб чиқаришни охирги муҳим жиҳатидир, бироқ, у бозорда пайдо бўлиш вақтини ва харажатларни ошириб юборади. Мувофиқлик тўғрисида таъминотчи декларацияси таъминотчилар маҳсулотини истеъмолчиларга кам харажатлик билан етиб боришини ва тезлаштиришни таъминлайди. Негаки, у сертификатлаштириш ёки синов учун учинчи томонга мурожаат қилишда тўсқинлик қилмайди. Таъминотчининг ўзи бозор, истеъмолчи ва бошқарув идораларининг муайян талабларига кўпроқ даражада жавоб берувчи мувофиқликни баҳолаш усулинин танлайди.

Мувофиқлик тўғрисида таъминотчи декларацияси – бу мувофиқликни баҳолашга асосланган, ўрнатилган талабларга маҳсулот мувофиқлигини баҳолашнинг тўсиқларини ҳосил қилмайдиган, самарали ва юридик кучга эга бўлган ҳамда зиён келтирмайдаган усулдир.

Мувофиқликни баҳолашни тан олинишини таъминлаш ва яхлитлигини сақлаш учун КАСКО, МФА ва ИЛАК қуидаги муаммоларни ҳал қилиш учун ҳамкорликда сиёsat олиб боради:

- мувофиқликни баҳолаш бўйича идораларнинг ноҳақ, ахлоқиз ва қонунга қарши амалиёти;
- виждонсиз рекламалар, яъни, мувофиқликни баҳолаш натижалари тўғрисида янглишмовчиликларни киритиши, шунингдек, мувофиқлик белгисидан нотўғри фойдаланиши;
- «сертификатлаштириш» ва «аккредитлаштириш» тушунчаларини аралаштирилиши.

ЕС да мувофиқлик декларацияси исботловчи базаларга мувофиқлиги асосида тайёрловчилар қабул қилувчи натижавий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Бунда тайёрловчи эмас, айнан қонун чиқарувчи бу база нималардан тузилиши лозимлигини ўрнатади. Худди шу сабаб бўйича Европада мажбурий сертификатлаштиришни қўллашнинг зарурияти йўқ ва мувофиқликни баҳолаш модуллари керакли исботлаш базасини тўлиқ таъминлаши тариқасида уни зиддиятсиз тушунишади.

Мувофиқликни баҳолаш процедурасининг асосий тамойили ЕС давлатларида қабул қилинган, тайёрловчига кўра мувофиқлик тўғрисида мажбурий декларациялашга қарши ҳали исботланмаган, унинг маҳсулоти бир ёки бир неча уйғунлашган стандартларга мос келишини маълум қилиш тахминига асосланган мувофиқлик тамойили бўлиб ҳисобланади. Бу, ушбу маҳсулот директивлар талабларига мувофиқлигини юридик ифодалайди.

Уйғунлашган стандартларнинг рўйхати ЕС Оффисиал Жоурнал расмий журналида келтирилади. Чоп этиш вақтида тайёрловчи уйғунлашган стандартларга ҳавола қилиб ва тахминга асосланган мувофиқлик тамойилидан фойдаланиб, декларация қабул қилиш ҳуқуқига эга.

ЕС давлатларида бозор устидан назорат идоралари, агар уларда маҳсулот ўрнатилган талабларга номувофиқлиги тўғрисида фикр ва мулоҳазалари бўлса, буни исботлашлари лозим. Бунда ташкилот раҳбари унинг учун муайян директивада кўзда тутилган далиллар бўйича декларация қабул қилиб, барча жавобгарликларни ўз зиммасига олиши назарда тутилади. Ва агар назорат идораси номувофиқ маҳсулотни декларация қилинганлигини исботласа, унда ташкилот қонун олдида берилган декларация учун жиноий жавобгарликка тортилади. ЕС давлатларида ривожланган маданият ва суд институтлари шартларида ишлаб чиқарувчилар жавобгарликка қўникишган.

Мувофиқлик тўғрисида декларация қоида сифатида бозорда маҳсулот ҳаракатида маҳсулотга илова қилинмайди, у ЕС барча мамлакатлари учун маҳсулот мувофиқлиги ўtkazилган процедурасига ягона СЕ тамғасини қўйиш кифоядир.

ЕС га аъзо мамлакатларда директивалар талабларини бажариш ташкилотлар давлат хукумронлиги идораларидан ташқари аккредитланган сертификатлатириш бўйича идоралари, мувофиқликни тасдиқлаш учун жавобгар учинчи томон сифатида белгиланади (ваколатланади). Европада аккредитлаштириш процедурасини ўтказиш ваколатли, ҳам, мақбул ҳисоблаганлиги учун мажбурий шарт бўлиб ҳисобланмайди. Аммо, ваколатли идоралар талабларига мувофиқ EN 45000 серияли Европа стандартларида ўрнатилган талабларни синов лабораториялари сертификатлаштириш бўйича идораларга тақдим қилиши мажбурий бўлиб ҳисобланади. Стандартлар талабларига мувофиқликни аккредитлаштириш мавжуд бўлмаганда ваколатлаш жараёнида текширилади.

Ваколатлашни аккредитлашдан фарқи вазифасига яқин маъмурий актлар билан идорани бошқариш ҳисобланади. Бу рақобат билан боғлиқ ваколатланган идоралар фаолиятида маъқуллаб бўлмаслагини халқаро амалиёт ва қонунчилик тасдиқлайди. Мувофиқликни баҳолаш тизими учун бундай рақобат фойдали бўлмаслигини европалик эксперталар қайд этишган.

Ваколатли идораларни рўйхатга олишда, одатда, идентификацион рақами (коди) СЕ белгиси билан ёнма-ён жойлаштирилади.

Ваколатли идораларга умумий талабларни маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб маҳсулот директивида ўрнатилади.

Агар тайёрловчи мавжуд уйғунлашган стандартлардан фойдаланишини хоҳламаса унда у ўз кучи билан ёки ваколатли идора ёрдамида унинг талаблари амалдаги директива талабларига эквивалентлигини, унда хавфсизлик даражаси уйғунлашган стандарт талаблари ва бинобарин директива талабларидан кам бўлмаслигини исботлаши лозим.

Агарда ушбу маҳсулотга уйғунлашган стандарт йўқ бўлса, унда ваколатли идора берилган талабларни директивалар талабларига мувофиқ баҳолаш ва таҳлил ўтказиши зарур.

Иккала ҳолатларда ҳам ваколатли идора маҳсулотни техникавий қарори қабул қилинган хавфсизлик даражасини баҳолаш учун ва натижалар ижобий бўлганда аризачига мувофиқлик сертификатни (В модул) турини

беришда тақдим қилинган ҳужжатлар таҳлилини ва синовни ўтказиши мумкин. Бундай ёндошув параметрлар қийматини қайд қилиб боришда имкон яратиб, амалдаги директивалар талабларига мувофиқ сифатида маҳсулотни қайта баҳолаш ҳолатида, масалан, мурожаат босқичида текширув (назорат) идораларини текширишда қабул қилинган.

Умумий ҳолатда мувофиқликни баҳолашда қуидагилар, комплексли жараёнлар, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш босқичларини қамраб оловчи ва кўрилаётган фаолият соҳаси учун барча модуллар тавсифларини қўшиб мажмуи сифатида қаралади. Жараёндан фойдаланиш йўлини танлаш турли хил техниковий, ташкилий, ижтимоий ва иқтисодий тавсифдаги омилларга боғлик.

Мувофиқликни декларациялашнинг Европа процедураси

Мувофиқлик тўғрисидаги декларация бу аниқланган мувофиқликни баҳолаш процедураси натижаси бўлиб, масалан, сифат менежменти тизимини баҳолаш ёки синаш тариқасида бўлади. Бунда маҳсулот турига боғлик бўлиб, унинг бозорда хавфлилик имконияти даражаси ва бошқа омиллардан таркиб топган турли хил мувофиқликни тасдиқлаш процедураси, лекин деярли доимо бу процедуralарда ваколатли идора учинчи томон иштирок этиши мўлжалланган. Ва фақат битта ҳолатда Европа классификацияси (1-жадвалга қаранг) бўйича А модул доирасида мувофиқликни тасдиқлаш процедурасини кўллаш таъминотчиларни исботлаш асосини таъминлашга мўлжалланган. Аммо бу ҳолатларда муайян маҳсулот директиви талаби қаторида, исботлаш асосини йиғишга ваколатли идоралар жалб этилади.

Халқаро мувофиқликни тасдиқлаш амалиётида декларациялаш икки хил мазмунли аҳамиятга эга: бу мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилиш лекин, бу мувофиқликни тасдиқлаш процедураси. Улар маҳсулот хавфсизлик имконияти даражаси билан боғлик эмас. Бошқача сўз билан айтганда, мувофиқликни баҳолашнинг мувофиқлигини таъминлашда исботлаш асоси ҳажми билан боғлик маҳсулотни фойдаланишда атроф-муҳит ва инсонлар учун хавф-хатарлар: хавфли маҳсулотлар учун исботлаш асоси ҳажми, кам хавфларга нисбатан кўпроқ аҳамиятли бўлиши лозим. Лекин,

бошқа ҳолатларда мувофиқликни баҳолаш тайёрловчи мувофиқлик тўғрисида декларация қабул қилиши билан тугулланади. Хусусан улар давлат назорати идоралари олдида жавобгарликни ўзларининг зиммасига олишади, ваҳоланки, бозорда маҳсулот ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлади. Бунда «европа» мувофиқлик тўғрисида декларациялаш Ўзбекистон Республикаси декларациялаш процедурасидан фарқли жиҳати: охирги йўл билан сертификат расмийлаштирилиб тақдим қилаётган тайёрловчи маҳсулоти ўрнатилган талабларга мувофиқлиги тасдиқланади. Европа декларациялаш амалиётида бу вазифани СЕ тамғалаш бажаради.

Декларациялаш қоида сифатида қуйидаги схемалардан бири бўйича амалга оширилади:

- аризачининг хусусий далиллари асосида мувофиқлик тўғрисида декларация қабул қилиш;
- учинчи томон иштирокидаги, хусусий далиллар сифати каби мувофиқлик тўғрисида декларация қабул қилиш.

Биринчи ҳолатда аризачи мустақил ўз кучи билан далил материалларни шакллантиради. Бу техникавий регламентлар талабларига маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлаш учун хусусий тадқиқот (синов), ўлчашлар натижалари ва (ёки) бошқа ҳужжатлар асосида хизмат қилувчи техникавий ҳужжатдир. Далил (исботловчи) материаллар таркиби техникавий регламентларга (директивалар ёки бошқа ҳужжатларга) мувофиқ аниқланади.

Иккинчи ҳолатда аризачи хусусий далилларига қўшимча учинчи томон таъминловчи, исботловчи материаллар ҳужжатлари қўшилади. Бу ёки аккредитланган синов лабораторияси ўтказган синов баённомалари, ёки сифат менежменти тизими сертификати, ушбу сертификатни берувчи сертификатлаштириш идораси томонидан назарати назарда тутилган сифат менежментини баҳолаш актлари ва бошқа ҳужжатларда ўрнатилганларга мувофиқ материаллар бўлиши мумкин. Европа ҳамкорлиги (ЕХ) давлатларида қабул қилинган мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг шакли 5-расмда келтирилган. Декларация таркибига талаблар ва қўллаш учун

уни қабул қилиш ҳужжатлари ISO/IEC 17050, икки қисмдан иборат халқаро стандартида ўрнатилган:

ISO/IEC 17050-1:2004 «Мувофиқликни баҳолаш. Мувофиқлик тўғрисида таъминотчи декларацияси. Умумий талаблар»;

ISO/IEC 17050-2:2004 «Мувофиқликни баҳолаш. Мувофиқлик тўғрисида таъминотчи декларацияси. Умумий талаблар» «Мувофиқликни баҳолаш – Мувофиқлик тўғрисида декларация. Кўмаклашувчи ҳужжатлар».

Бу икки қисмли стандарт олдинги амал қилувчи ISO/IEC 22:1996 «Таъминотчи мувофиқлиги тўғрисида декларацияга умумий талаблар» Кўлланмаси билан алмаштирилди.

Биринчи навбатда стандарт талабларига мувофиқлигини декларациялашни амалга ошириш тавсия этилади.

Ўзбекистонда айнан бундай стандартлар биринчи навбатда, давлатлараро (ГОСТ)лар мувофиқлик тўғрисида декларацияни қўллаш учун хуқуқий ва меъёрий талабларни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Бунда «ўзисертификатлаштириш» атамасини қўллаш рухсат этилмайди. ISO/IEC 17000:2004 стандартида декларациялаш «биринчи томон мувофиқликни тасдиқлаш» сифатида таъриф берилган.

ISO/IEC 17050 бўйича мувофиқлик тўғрисида декларациялаш мақсади «ўрнатилган талабларга идентификацияланган объект мувофиқлигига ишончлилик яратиш, яъни декларациялаш учун ва бу мувофиқлик учун жабовгарликни ким олиши ўша аниқланган декларацияга илова қилинади» деб таърифланган. Бундай декларация тушунчаси уни қабул қилаётган тайёрловчи эмас, балки, сотувчи ёки ўрнатилган талабларга маҳсулот мувофиқлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олувчи унинг ваклига мухим аҳамият касб этади.

Декларант нафақат декларация қабул қилиш учун, балки, уни идора қилиш (уни юритиши): сақлаш, узайтириш, амал қилинишини тўхтатиш ёки бекор қилиш учун жавобгар бўлиши лозим.

Кўмаклашувчи ҳужжатлар деб номланувчи (исботловчи материаллар) га катта аҳамият берилади. Декларант бу ҳужжатларни мавжудлигини яъни

қизиқувчи шахсларга ёки сўралган талабларга мувофиқлигини исботловчи бошқарув идораларга намойиш қилишни таъминлаши шарт.

Кўмаклашуви ҳужжатлар қуидаги маълумотлардан таркиб топади:

- декларация обьектининг тавсифи (маҳсулот, жараён, менежмент тизими, ходим ёки идора);
- техникавий ҳужжатлар (диаграммалар, чизмалар, ўзига хос хусусиятлар ва бошқалар);
- мувофиқликни баҳолаш натижалари (менежмент тизими сертификати, ишлаб чиқариш кўриги далолатномаси, синов баённомалари ва бошқалар);
- мувофиқликни баҳолашда қатнашувчи биринчи, иккинчи ва учинчи томон идоралари белгиланиши ва уларнинг аккредитация ҳуқуқи (масалан, аккредитация ҳақида гувохнома раками, аккредитловчи идоранинг номи).

1-боб бўйича хulosалар

1-бобда мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги халқаро амалиётлар таҳлил қилиниб, мувофиқликни тасдиқлаш соҳасидаги тушунчаларни моҳияти ва мувофиқликни баҳолаш соҳасида халқаро ташкилотларнинг фаолияти, аккредитлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда Европа давлатларида мувофиқликни тасдиқлашга янгича ёндошувлар ўрганилди.

2-Боб. МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА МЕЬЁРИЙ ҚОИДАЛАРИ ҲАМДА ЖАРАЁНЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолашнинг қонуний асослари

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2013 йил 4 октябрда “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида” қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида” қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг мувофиқликни баҳолаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Мувофиқликни баҳолашнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- инсон ҳаёти ва соғлиги, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;
- атроф-муҳит муҳофаза қилинишини, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланишини таъминлаш;
- маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёнлари, хизматлар, менежмент тизимлари, ходимларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш;
- мувофиқликни баҳолаш органлари аккредитациянинг белгиланган соҳасида ишларни бажаришга ваколатли эканлигини тасдиқлаш;
- ички ва ташқи бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдода иштирок этиш;

– савдодаги техник түсиқларни бартараф этиш.

Мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш қуидагича:

– аккредитация қилиш;

– сертификатлаштириш;

– мувофиқликни декларациялаш;

– инспекция назорати;

– юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекция;

– маҳсулот синови;

– санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хulosалари ёки экологик экспертиза йўли билан амалга оширилади.

Сертификатлаштиришни, юкни ортишдан олдин ва (ёки) юкни тушириш вақтидаги инспекцияни, маҳсулот синовини, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хulosаларини ёки экологик экспертизани амалга ошириш

Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартиба солишини амалга оширувчи органлар.

Мувофиқликни баҳолаш соҳасини давлат томонидан тартиба солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ваколатлари:

– мувофиқликни баҳолаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;
- Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатини тасдиқлайди;
- Миллий аккредитация органи тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларининг Ўзбекистон Республикасида тан олиниши тартибини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлига, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

- мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;
- мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив-ҳукуқий ҳужжатларни, шунингдек норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этади;
- Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши шарт бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар ишлаб чиқади;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини Ўзбекистон Республикасида тан олиш зарурлиги тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритади;
- мувофиқликни баҳолаш соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда иштирок этади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қумитаси, Ўзбекистон

Республикаси Табиатни мұхофаза қилиш давлат қумитаси, бошқа давлат ва хұжалик бошқаруви органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мүмкін.

2.2. Машинасозликда тавсия этилаётган мувофиқликни баҳолаш жараёни

2.2.1 Умумий қоидалар.

Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнини асосий мақсади техник регламент талабларига жавоб бермайдыган маҳсулотларни муюмалага киритишни олдини олиш.

Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёни маҳсулотни ишлаб чиқиши босқичида ва уни лойиҳалаш босқичида қўлланилади. Маҳсулот мувофиқликни (тасдиқлаш) баҳолашни иккала босқичда ҳам қоида бўйича ёритиб бериш керак.

Техник регламент талабларига маҳсулот мувофиқликни (тасдиқлаш) баҳолаш бўйича иш натижалари, ваколатли органлар томонидан ўтказилиб, аниқ техник регламентлар билан қўриб чиқилиб хужжат (далолатнома, хулоса, мувофиқлик сертификати ва ҳ.з) кўринишида тасдиқланади.

Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнлари техник регламентларда қўлланиладиган, сертификатлаштириш схемалари ёки мувофиқликни баҳолаш модулидан танланиши керак.

Регламентлар ишлаб чиқарувчиларга бир турдаги маҳсулот ёки буюм учун белгиланган, талаб қилинган хавфсизлик даражасини тасдиқлайдиган танлов варианtlарни қўриб чиқиши керак.

Мувофиқликни баҳолаш жараёнини вариянтларини комбинатсиялаш имкони техник регламентларда аниқланган ҳолларда, ишлаб чиқарувчиларга танлаш имкони берилган қуидаги факторларни, хусусан, ишлаб чиқариш турини ва мухумлигини, иқтисодий инфратузилма алоҳида мұхитини, у билан боғлиқ хавф-хатарнини, мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёни маҳсулот мувофиқлиги кўринишида бўлишини ва ҳ.з ларни ҳисобга олиш керак.

Регламентларда ишлаб чиқарувчилар учун мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёни танлови таклиф қилиниши керак, шунингдек шартларга нисбатан мезонларни ўрнатиш керак, мезонларга қўра ишлаб чиқарувчи бу танловни амалга ошириши мумкин.

Мувофиқликни баҳолаш бўйича ваколатли органларни фаолияти, мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларни ўтказишида маҳсулот аниқ регламентлар талабларига миллий даражада регламентлаш.

Агар регламентларда алоҳида мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнларини ишлаб чиқарувчи томонидан қўллаш имкони қўзда тутилса, сифат менеджмент тизими баҳолашда асосан, ишлаб чиқарувчи қўйидаги жараёнларни ёки уларни комбинацияларини муқоблини қўллаш имконига эга бўлиши керак. Сифат менеджмент тизими баҳолашга асос қилиб олинмаса, (қачонки, регламентларда ўрнатилган талабларга мувофиқликни баҳолаш учун, фақат 1 та аниқ жараённи қўллаш).

2.2.2 Маҳсулотни тамғалаш.

Регламент таъсирида ва уни талабларига мувофик бўлган маҳсулотга, агар регламентда бошқа нарсалар кўриб чиқилмаган бўлса, бозор растасига кириш белгиси киритилади. Кўрсатилган талаблардан мустасно ёки четга чиқишлилар регламентда асосланган бўлиши керак. Бозор растасига кириш белгиси маҳсулот регламент талбларига мувфиқлиги ҳақидаги ассосий белгини билдиради.

Регламент буюмни қандай бўлса, шундайлигич бозор растасига кириш белгисини тамғалашни ва уни қадоғини ёки унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади.

Маҳсулотда бозор растасига кириш белгисини мавжудлиги, жисмоний ёки юридик шахс мувофиқликни баҳолаш жараёнига тегишли бўлмаган ёки уни ҳаркатига тегишли бўлган регламентни барча талабларига маҳсулот мувофиқлигини тасдиқловчи ва текширувчи, тамғалашни амалга оширувчи ёки у учун жавоб берувчи шахс эканини билдиради.

Агар маҳсулот ҳаракатига тегишли регламентни барча тақлаблариға маҳсулот мувофиқлиги тасдиқланса, ишлаб чиқарувчи маҳсукотни бозор растасига кириш белгисини тамғалашни (амалга оширади) ўтказади.

Мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнiga ваколатли органлар жалб қилинса, маҳсулот бозор растасига кириш белгиси остида ваколатли органни идентификация рақами ёзиб қўйилади.

Бозор растасига кириш белгисини тамғалашни миллий қонунчилк мувофиқлигига ишлаб чиқарувчи ёки ваколатли орган амалга оширади.

Маҳсулотни ҳоҳлаган бошқа белги билан тамғалаш таъқиқланади, бу усул ҳаридорларни чалғтишга олиб келади. Маҳсулотга ҳоҳлаган бошқа белгини киритиш мумкин, агар у билан чалкашлик юзага келмаса, бозор растасига кириш белгиси аниқ ва равshan бўлса, кўринишни бузмаса.

2.2.3 Мувофиқликни баҳолаш модуллари

Мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик ҳаққидаги декларация маҳсулотни (бир қанча буюмни) алоҳида турларига жорий қилиниши ва маҳсулот (буюм) билан бирга бўлиши ёки регламентда ўрнатилган боғлиқликда ишлаб чиқарувчида сақланиши керак.

Мувофиқликни баҳолаш учун **A, A1, A2, B, C, C1, C2, D, D1, E, E1, F, F1, G, H, H1** модуллардан фойдаланилади. **B** модул билан комбинатсияда **C, C1, C2, D, E**, ва **F** модулар албатта фойдаланилиши керак.

Мувофиқликни баҳолаш жараёнини бир қисмини модул **B** ўрнатади ва у лойиҳалаштириш босқичида жорий қилинади. Ишлаб чиқариш босқичида мувофиқликни баҳолашни таъминловчи модулар билан ҳамкорликда қўллайди.

2.2.4 Модул А (корхонани ички текшируви)

Модул **A 2.2.4** ни кейинг талабларини бажарувчи ишлаб чиқарувчи ёрдами билан, мувофиқликни баҳолаш жараёнини ўтказади, аниқланган маҳсулотни маҳсулотга тегишли регламент талаблариға жавоб беришини, фақат ўз жавобгарлига остида декларациялайди ва кафолатлайди.

Ишлаб чиқарувчи маҳсулот бозорга кириш белгисини регламент талабарига мувофиқ бўлга ҳар бир буюмга тамғалашни амалга ошириши керак.

Ваколатли ишлаб чиқарувчи шахс юқоридада тавсия қилинган талабларни бир шартга кўра бажара олади, агар бу нарса, ишлаб чиқаувчи номидан бажариш учун келишувда кўриб чиқилган бўлса.

2.2.5 А1 (маҳсулот синовини ва ишлаб чиқариш ички назоратини, назорат остида ўтказиш) ва А2(ихтиёрий вақт оралиғидан сўнг, маҳсулот синовини ва ишлаб чиқариш ички назоратини, назорат остида ўтказиш) модулар.

Модул **А1** кейинги қўшимча талаблар асосида модул **А** дан ташкил топади.

Регламент талабларига маҳсулот мувофқлигини текширишни мақсади ишлаб чиқаувчи ёки унга ваколатли шахс ҳар бир ишлаб чиқарилган буюмни характерли тавсифларини бир ёки бир нечта синовлар ўтказишни таъминлаши керак. Синовни, ишлаб чиқаувчи танловига кўра, ёки ишлаб чиқаувчини ўзини аккредитланган синов лабараторияси, ёки ваколатли органлар назорати остида, ишлаб чиқаувчи томонидан танлланган лабаратория ўтказган бўлиши керак. Охирги ҳолларда ишлаб чиқаувчи, ваколатли органлар жавобгарилиги остида, ваколатли органи идентификация рақамини ҳар бир буюмга киритиши керак.

Модул **А2** кейинги қўшимча талаблар асосида модул **А** дан ташкил топади.

Маҳсулотни ички назоратини сифатини текшириш мақсадида, хусусан, техналогик мураккаблигини ва уни миқдорини ҳисобга олган ҳолда мҳсулотни текширувни ўтказиш керак. Бу текширишни, ишлаб чиқаувчи танловига кўра, ёки ишлаб чиқаувчини ўзини аккредитланган синов лабараторияси, ёки ваколатли органлар назорати остида, ихтиёрий вақт оралғидан сўнг, аниқ, мувофиқ ҳолда, лабаратория ёки орган билан ўтиказиш керак. Корхонага олиб кирилган тайёр маҳсулотни, етарлича танлави, маҳсулотни регламент талабларига мувофқлигини текшириш учун, бир хил синовлар ўтган бўлиши

керак ёки гармонизирланган стандартларни мувофиқлаштирувчи қисмiga биноан синалган ва ўрганилган бўлиши керак. Танланган назоратни қўллаш услуби, ишлаб чиқариш жараёнини рухсат этилган жойларида маҳсулот мувофиқлигини тасдиқлаш учун тегишлими ёки ёқлигини аниқлаш уч яроқли бўлиши керак.

Ишлаб чиқаувчи ваколатли органлар билан текширишлар ўтказиш ҳолларида, ваколатли орган жавобгарлиги остида, ваколатли орган идентификация рақамини ҳар бир буюмга киритиши керак.

2.2.6 Модул В (турни текшириш)

Турни текшириш, мувофиқликни баҳлаш жараёнини бир қисми бўлиб, ваколатли органлар ёрдами билан буюмни техник лойиҳаси ўрганилади, регламент талабларига техник лойҳани мувофиқлигини тасдиқлайди ва имзолайди.

Қуйидаги усуллардан биттаси орқали турни тасдиқлашни амалга ошириш мумкин:

- ариза берган корхонани тайёр маҳсулотини намуна турини синаш (намуна турини текшириш);
- намуна турини бир ёки бир нечта критик қисимларини синаш, кейинг талабномани тасдиқловчи ҳужжатларни, техник ҳужжатларни экспертиза йўли билан техник лойҳани мувофиқлигини баҳолаш (намуна турини ва уни лойиҳасини текшириш комбинатсияси);
- намуна турини синов ўтказмасдан талабномада ўрнатилганларни, тасдиқловчи ҳужжатларни, техник ҳужжатларни экспертиза йўли билан техник лойҳани мувофиқлигини баҳолаш (намуна турини текшириш);

Ишлаб чиқаувчи турни текширишга талабномани ўз танловига қўра фақат битта ваколатли органга беради.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

- ишлаб чиқарувчи исми шарифи ва манзили, талабномани ваколатли шахс орқали узатилган ҳолларда – шунингдек уни ҳам исми шарифи ва манзили;
- бунақа талабнома бошқа ваколатли органларга узатилмаслиги учун ёзма тасдик;
- техник ҳужжат;

Ариза билан бирга техник лойиҳани қарорини мослигини тасдиқловчи далил ва синов дастурини амалга ошириш учун, зарур миқдорда маҳсулот намуна тури ҳам тақдим этлади. Бу далилларда барча қўлланилган ҳужжатлар сақланиши керак, айниқса, бир-бирига боғлиқ стандартлар қўлланилмаган бўлса. Далил ишлаб чиқаручи лабараторияси орқали ўтган синов натижаларини, ёки ишлаб чиқарувчи топшириғига кўра ва уни жавобгарлиги остида бошқа лабаратория орқали ўтказилган синов натижаларини заруриятга кўра сақлаши керак.

Ваколатли органлар

- 1) Тақдим этилган далилларни етарлилигини ва маҳсулот намуна турини лойиҳасини текшириш учун техник ҳужжат ва барча тақдим этилган далилларни экспертизасини ўтказади.
- 2) Намуна турини текшириш учун;
 - техник ҳужжат талабига биноан ишлаб чиқарилганлигини текширади;
 - бир-бирига боғлиқ стандартлар мувофиқлашувига биноан лойиҳаланган, шунингдек бу стандартлар мувофиқлашувидан фойдаланмасдан лойиҳаланган намуна элементларини аниqlайди;
 - ишлаб чиқарувчи бир-бирига боғлиқ стандартларни қўллашда, бу стандартларни тўғри қўлланилганини текшириш учун зарур синов ва тадқиқотлар амалга оширади;
 - бир-бирига боғлиқ стандартларни қўлланилмаганда, ишлаб чиқарувчи қабул қилган қарорларни регламент талабларига мувофиқлигини текшириш учун зарур синов ва тадқиқотлар амалга оширади;
 - ишлаб чиқарувчи билан синов ва тадқиқотлар жоёни келишади;

Ваколатли орган қўлга киритилган натижалар ва юқорида берилганлар мувофиқлигига ўтказилган ишлар ҳақидаги маълумотлар киритилган баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни расмийлаштириши керак.

Ваколатли орган ишлаб чиқарувчи розилигисиз бу ҳисоботни мазмунини тўлиқ ёки қисман нашр қилмаслиги керак. Бундай ҳисоботни расмийлаштирилган ҳисоботини ваколатли органни ташкил қилган ҳукумат органи сўровига кўра тақдим қилингани бундан мустасно.

Тури теширилган маҳсулот регламент талабларига жавоб берган ҳолларда, ваколатли орган, ишлаб чиқарувчига турни мувофиқлик сертификатини беради.

Сертификатда кўрсатилади:

- ишлаб чиқарувчи исми шарифи ва манзили;
- текшириш ўтказиш бўйича хulosалар;
- сертификатни кўллаш шартлари;
- текширилган тур идентификатсияси учун зарурий маълумотлар;

Сертификат бир ёки бир нечта иловаларга эга бўлиши мумкин. Сертификат иловалар билан бирга тайёр маҳсулотни текширилган турига мувофиқликни баҳолаш учун ва эксплуататсия вақтида назоратни амалга ошириш учун етарли барча маълумотларни ўзида сақлаши керак.

Ваколатли орган ишлаб чиқарувчи тақдим қилган, барча техник ҳужжатларни ўз ичига олган файлни, шунингдек сертификатни иловалари билан нусхасини иш муддати охиригача асраши керак.

Текширилган маҳсулот тури регламент талабларига жавоб бермаган ҳолларда, ваколатли орган турни мувофиқлик сертификатини беришни бекор қиласди ва бу ҳақида бекор қилишни батафсил асоси билан бирга ишлаб чиқарувчини ҳабардор қиласди.

Ваколатли орган, қўлланилган регламент талабларига илк текширилган турни номувофиқликка чорлай олган, илм ва техникини ривожини замонавий даражасини ҳар қандай ўзгаришлари ҳақида маълумотларга эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқарувчи турни мувофиқлик сертификатини берувчи вакилатли органни сертификатини жорий қилиш шартларига ёки регламент талабларига маҳсулот мувофиқлигиде таъсир кўрсата оладиган, текширилган турни ҳамма модификатсиялари ҳақида хабардор қиласи. Бундай модификатсиялар қўшимча текшириш ўтказишни талаб қиласи, натижалар турни мувофиқлик сертификатини ҳақиқийсига қўшиб қўйилади.

Ишлаб чиқарувчи турни мувофиқлик сертификатларини ва унга иловани нусхаларини охирги буюм ишлаб чиқарилганидан сўнг 10 йил вақт ичидаги техник ҳужжат билан бирга сақлаши керак ва текшириш учун уни нусхасини ҳукуматни бошқарувчи органлар талабига кўра миллий қонунчиликда ўрнатилган тартибда тақдим қилиши керак.

Ваколатли ишлаб чиқарувчи шахс бир шартга кўра юқорида тавсия қилинган мажбуриятларни бажариши ва юқорида келтирилган талабнома билан мувофиқликда ариза бериши мумкин, агар бу нарса, ишлаб чиқаувчи номидан бажариш учун келишувда кўриб чиқилса.

2.2.7 Модул С (корхона ички текширувига асосланган, турга мувофиқлик)

Корхона ички текширувига асосланган, турга мувофиқлик, мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнини бир қисми бўлиб кейинги талабларни бажарувчи ишлаб чиқарувчи ёрдами билан, аниқланган маҳсулотни маҳсулотга тегишли регламент талабларига жавоб беришини ва В модулга биноан берилган, турни мувофиқлик сертификатида кўрсатилган турга мувофиқ келишини, фақат ўз жавобгарлига остида декларациялайди ва кафолатлайди.

Ваколатли ишлаб чиқарувчи шахс юқорида тавсия қилинган талабларни бир шартга кўра бажара олади, агар бу нарса, ишлаб чиқаувчи номидан бажариш учун келишувда кўриб чиқилса.

2.2.8 С1 (назорат остида ўтказилган, маҳсулот синовларига ва ишлаб чиқаришни ички назоратига, асосланган турга мувофиқлик) ва С2 (ихтиёрий вақт оралғидан сўнг, назорат остида ўтказилган, маҳсулот синовларига ва ишлаб чиқаришни ички назоратига, асосланган турга мувофиқлик) модулар.

Модул **С1** кейинги қўшимча талаблар асосида модул **С** дан ташкил топади. Регламент талабларига маҳсулот мувофқилигини текширишни мақсади ишлаб чиқаувчи ёки унга ваколатли шахс ҳар бир ишлаб чиқарилган буюмни характерли тавсифларини бир ёки бир нечта синовлар ўтказишни таъминлаши керак. Синовни, ишлаб чиқаувчи танловига кўра, ёки ишлаб чиқаувчини ўзини аккредитланган синов лабараторияси, ёки ваколатли органлар назорати остида, ишлаб чиқаувчи томонидан танлланган лабаратория ўтказган бўлиши керак. Охирги ҳолларда ишлаб чиқаувчи, ваколатли органлар жавобгарилиги остида, ваколатли органи идентификация рақамини ҳар бир буюмга киритиши керак.

Модул **С2** кейинги қўшимча талаблар асосида модул **С** дан ташкил топади.

Маҳсулотни ички назоратини сифатини текшириш мақсадида, хусusan, техналогик мураккаблигини ва уни миқдорини ҳисобга олган ҳолда мҳсулотни текширувини ўтказиш керак. Бу текширишни, ишлаб чиқаувчи танловига кўра, ёки ишлаб чиқаувчини ўзини аккредитланган синов лабараторияси, ёки ваколатли органлар назорати остида, ихтиёрий вақт оралғидан сўнг, аник, мувофиқ ҳолда, лабаратория ёки орган билан ўтиказиш керак. Корхонага олиб кирилган тайёр маҳсулотни, етарлича танлави, маҳсулотни регламент талабларига мувофқилигини текшириш учун бир хил синовлар ўтган бўлиши керак ёки гармонизирланган стандартларни мувофиқлаштирувчи қисмига биноан синалган ва ўрганилган бўлиши керак. Танланган назоратни қўллаш услуги, ишлаб чиқариш жараёнини рухсат этилган жойларида маҳсулот мувофқилигини тасдиқлаш учун тегишлими ёки ёқлигини аниqlаш уч яроқли бўлиши керак.

Ишлаб чиқаувчини ваколатли органлар билан текширишлар ўтказиш ҳолларида, ваколатли орган жавобгарлиги остида, ваколатли органни идентификация рақамини ҳар бир буюмга киритиши керак.

2.2.9 Модул D (ишлаб чиқаришни сифатини тамиnlашга асосланган, турға мувофиқлик)

Ишлаб чиқаришни сифатини тамиnlашга асосланган, турға мувофиқлик, мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнини бир қисми бўлиб **2.2.9** ни кейинги талабларини бажарувчи ишлаб чиқарувчи ёрдами билан, аниқланган маҳсулотни маҳсулотга тегишли регламент талабларига жавоб беришини ва **B** модулга биноан берилган, турни мувофиқлик сертификатида кўрсатилган турға мувофиқ келишини, фақат ўз жавобгарлиги остида декларациялайди ва кафолатлайди.

Ишлаб чиқаувчи ишлаб чиқаришни (СМТ) сифат менежмент тизимини ва **2.2.9** ни кейинги босқичларида аниқланган вазиятлар билан мувофиқликда назоратни лозим топган, юқорида аниқланган, охирги маҳсулотни синов ва назоратини ваколатли органлар билан ижобий баҳолай олиши керак.

Ишлаб чиқарувчи охирги маҳсулот наъмунаси ишлаб чиқарилганидан сўнг 10 йил вақт ичидаги ҳукуматни бошқарувчи органларга, уларни сўровига кўра, миллий қонунчиликда ўрнатилган тартибда тақдим қиласида ва сақлайди:

- **2.2.9**да аниқланган СМТ ҳужжатини;
- юқорида аниқланган, СМТ га келишилган ўзгартиришларни киритиш хақидаги ҳужжатни;
- **2.2.9** да аниқланган, ваколатли орган ҳисоботи ва қарорини;

Ваколатли ишлаб чиқарувчи шахс юқорида тавсия қилинган талабларни бир шартга кўра бажара олади, агар бу нарса, ишлаб чиқаувчи номидан бажариш учун келишувда кўриб чиқилса.

2.2.10 Модул D1 (ишлаб чиқариш жараёни сифатини таъминлаш)

Ишлаб чиқариш жараёни сифатини таъминлаш мувофиқликни баҳолаш жараёнини қисми бўлиб, **2.2.10** ни кейинг талабларини бажарувчи ишлаб чиқарувчи ёрдами билан, мувофиқликни баҳолаш жараёнини ўтказади, аниқланган маҳсулотни маҳсулотга тегишли регламент талабларига жавоб беришини, фақат ўз жавобгарлига остида декларациялайди ва кафолатлайди.

Ишлаб чиқаувчи ишлаб чиқарышни (СМТ) сифат менежмент тизимини ва **2.2.10** ни кейинги босқичларида аниқланган вазиятлар билан мувофиқликда назоратни лозим топган, юқорида аниқланган, охирги маҳсулотни синов ва назоратини ваколатли органлар билан ижобий баҳолай олиши керак.

Ишлаб чиқарувчи охирги маҳсулот наъмунаси ишлаб чиқарилганидан сўнг 10 йил вақт ичидаги ҳукуматни бошқарувчи органларга, уларни сўровига кўра, миллий қонунчиликда ўрнатилган тартибда тақдим қиласди ва сақлайди:

- **2.2.10** да аниқланган СМТ ҳужжатини;
- юқоридада аниқланган, СМТ га келишилган ўзгартиришларни киритиш хақидаги ҳужжатни;
- **2.2.10** да аниқланган, ваколатли орган ҳисоботи ва қарорини;

Ваколатли ишлаб чиқарувчи шахс **2.2.10** да тавсия қилинган талабларни бир шартга кўра бажара олади, агар бу нарса, ишлаб чиқаувчи номидан бажариш учун келишувда кўриб чиқилса.

2.2.11 Модул Е (маҳсулот сифатини таминлашга асосон, турга мувофиқлик)

Ишлаб чиқарышни сифатини таминлашга асосланган, турга мувофиқлик, мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) жараёнини бир қисми бўлиб кейинги талабларни бажарувчи ишлаб чиқарувчи ёрдами билан, аниқланган маҳсулотни маҳсулотга тегишли регламент талабларига жавоб беришини ва турни мувофиқлик сертификатида кўрсатилган турга мувофиқ келишини, фақат ўз жавобгарлига остида декларациялайди ва кафолатлайди.

Ишлаб чиқарувчи СМТ ни мақуллаган ваколатли органга, сифат тизимиға ёки маҳсулотга ўзgartериш киритган ҳар қандай ҳолат ҳақида ахборот беришга мажбур.

Юқорида келтирилган B, D, D1, E, E1, H, H1 модуллар учун умумий ҳолатлар.

Хар бир ваколатли орган сертификатни беришда бекор қилиш ҳақида, СМТ ни мақуллаш ҳақидаги қарорни беришда бекор қилиш ҳақида, шунингдек бу орган қайтариб олган ва бекор қилған, ёки бошқа йўллар билан уларга ҳаракатини чеклаган, турни мувофиқлик сертификатлари ва сертификатларга иловалар ҳақида бошқа ваколатли органларга маълумот тақдим қилиши керак. Бошқа фаолиятлар алоҳида регламентлар билан кўриб чиқилади. Бошқа ваколатли органдан қабул қилинган сўровга кўра сўраган орган, мувофиқлик сертификатини бериш ва унга иловалар ҳақида, СМТ ни мақуллаш ҳақидаги берилган қарори ҳақида маълумотлар тақдим қилиши керак.

Хар бир ваколатли орган, шу органни ташкил қилған хукumat органини турни мувофиқлик сертификатлари ва сертификатлар иловаларига ҳаракатни чеклагани, бекор қилгани ёки қайтариб олгани, топширгани ҳақида, СМТ ни мақуллаш ҳақидаги барча узатиш ва бекор қилиш қарорлари ҳақида маълумотлар билан даврий равишда маълумот бериши керак.

Юқорида келтирилган Н, Н1 модуллар учун умумий ҳолатлар.

Ишлаб чиқарувчи ваколатли органни маҳсулотни сақлаш ва синаш, назорат қилиш, ишлаб чиқариш, лойиҳалаштириш жойларига киришини таъминлайди ва зарурый маълумотларни тақдим қиласди, хусусан:

- СМТ хужжатини;
- лойиҳалаш босқичида кўриб чиқилған СМТ, сифат қарорларини, шунингдек синовлар, ҳисоб-китоблар, таҳлиллар натижаларини ва ҳ.з;
- лойиҳалаш босқичида кўриб чиқилған СМТ, сифат қарорларини, шунингдек инспекцион текширувлар ҳақида ҳисботни, синов натижаларини, калибронка ҳақида маълумотларни, ходимлар малакасини ва ҳ.з;

Юқорида келтирилган D, D1, E, E1, Н, модуллар учун умумий ҳолатлар.

Ваколатли орган тақдим қилинга ўзгаришларни баҳолайди ва қрор қабул қиласди ёки юқорида келтирилган талабларга СМТ ни кейинги мувофиқлиги ҳақида ёки уни қайта баҳолаш ҳақида, шунингдек хулоса ва далиллар билан ўзини қарори ҳақида ишлаб чиқарувчини ҳабардор қилиши керак.

Ваколатли орган сифат тизимини мақуллашдан хабардор бўлган ишлаб чиқарувчини мажбуриятларини бажаришини текшириш мақсадида, СМТ ни ишлашини инспекцион назоратини белгилайди.

Ишлаб чиқарувчи ваколатли органни корхонани маҳсулотни сақлаш ва синаш, назорат қилиш жойларига киришини таъминлайди ва зарурий маълумотларни тақдим қиласди, хусусан:

- СМТ ҳужжатларини;
- юқорида кўрсатилган техник ҳужжатни;
- синов натижалари ва инспекцион текширишлар ҳақида ҳисоботни;
- калибрлаш ҳақида, ходимлар малакасини маълумотлар ва ҳ.з.

Ваколатли орган СМТ лозим топган пайтда ишлаб чиқарувчи қўмаги билан даврий равишда текшириш ўтказади ва текшириш ҳақидаги ҳисоботни ишлаб чиқарувчига тақдим қиласди.

Ваколатли орган даврий текширишдан ташқари зарур бўлганда ўз вақтида ишлаб чиқарувчини огоҳлантирмасдан текшириш ўтказиши мумкин, ёки СМТ фаолиятини тўғрилигини текшириш учун ишлаб чиқарувчидан маҳсулот синовини ўтказишни талаб қиласди.

Текширув ҳақидаги ҳисббот ва синов баённомасини ишлаб чиқарувчига тақдим қиласди.

2-боб бўйича хуносалар

Диссертация ишининг 2-бобида мувофиқликни баҳолашнинг ҳуқуқий ва меъёрий қоидалари ҳамда жараёнлари ўрганиб чиқилди ва Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолашнинг қонуний асослари таҳлил қилинди. Машинасозликда тавсия этилаётган мувофиқликни баҳолаш жараёни бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

3-боб. МАШИНАСОЗЛИКДА МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛАРИ

3.1. Маҳсулот ва хизматлар мувофиқлигини баҳолашда иштирок этувчиларга қўйиладиган талаблар

Маҳсулотлар ва хизматларни таклиф қилинаётганда кимгадир-ниманидир ваъда беришга қиёслаш мумкин. Бизнес-мижозлар, истеъмолчилар, фойдаланувчилар ёки давлатнинг мансабдор шахслари маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан уларнинг сифат, экологик параметрлари, хавфсизлик, тежамкорлик, ишончлилик, уйғунлик, фойдалилик ва самарадорлик каби тавсифлари билан боғлиқ ўзларининг муайян талаб ва ниятларига эга бўладилар. Мазкур хусусиятлар стандартлар, қоидалар ва бошқа ҳужжатлар талабларига жавоб бераётганлигини намойиш этиш имконини берувчи жараён мувофиқликни баҳолаш, деб юритилади. Бошқача айтганда, мувофиқликни тўғри баҳолаш маҳсулотлар ва хизматлар уларни таклиф қилаётганлар ўз ваъдаларини бажараётганлигини кафолатлаш имконини беради.

Истеъмолчилар мувофиқликни тўғри баҳолашдан фойда оладилар, нотўғри ёки ишончсиз баҳолашдан зарар кўрадилар, чунки унинг натижалари улар томонидан товарлар ёки хизматлар танланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди. Истеъмолчи товарга нисбатан, уни етказиб берувчи томонидан расмий декларациялаш билан бирга, баҳолашдан ўтганлиги тўғрисидаги қўшимча ишончга ҳам эга бўлади, товар сертификатга ёхуд сифат, хавфсизлик ёки бошқа кутилган тавсифлар тўғрисида далолат берувчи сертификациядан ўтганлик белгисига эга бўлади.

Ишлаб чиқарувчилар ва хизматларни кўрсатувчилар уларнинг маҳсулотлари ва хизматлари таснифларда қайд қилинганларга мувофиқлигига, шунингдек, мижозлар кутган натижаларни қондираётганлигига ишонч ҳосил қилишни истайдилар. ИСО ва МЭК халқаро стандартларига мувофиқ маҳсулотлар ва хизматларни баҳолаш замон технологияси ва илмининг ривожланиш даражаси билан баравар қадам ташлаш имконини беради,

нуқсонли маҳсулот бозорга тушиб қолган тақдирда, муқаррар бўлган йўқотишларни четлаб ўтиш имконини яратади.

Масала саломатлик, хавфсизлик ёки атроф-муҳит борасида бораётган тақдирда, мувофиқлик баҳоси аксарият ҳолларда қонун даражасида мажбурий бўлади. Бу ҳолда тегишли баҳоланишсиз ва тасдиқланишсиз масалан, етказиб берувчи давлат хариdi учун шартномалар тузиш бўйича савдоларда қатнашишдан ўзини четга олган тақдирда, товар сотувга чиқарилиши мумкин эмас. ИСО/МЭК Халқаро стандартлари ва қўлланмалари ҳам бундай баҳолашларни самарали амалга ошириш ва уларнинг натижаларини тан олиш бўйича талаблар ўрнатади, кўрсатмалар беради.

Бошқарув органлари ҳам ўз навбатида мувофиқликни баҳолашдан манфаатдор, чунки мазкур жараён соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, табиатни муҳофаза қилиш қонунлари тизимларини бошқариш ва давлат сиёсати соҳасидаги мақсадларга эришиш учун асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Мувофиқликни баҳолаш жараёнларининг дунё миқёсидаги уйғунлашуви ягона халқаро савдо-сотиқларни олиб бориш учун истиқболли имкониятларга эга. Мамлакатлараро савдони амалга ошириш учун асосий тўсиқлардан бири шундан иборатки, экспортёрлар маҳсулотларнинг турли қимматбаҳо синовларини ва сертификатланишларини ўтказишга мажбурлар. Мувофиқликни баҳолашнинг ношаффоф ёки ҳақ-хукуқни чекловчи жараёнлари ўзаро савдода “техник тўсиқ” бўлиши мумкин.

Савдодаги техник тўсиқлар бўйича Халқаро савдо ташкилоти Битими (СТТ бўйича ХСТ Битими) мувофиқликни баҳолашнинг техник регламентлари, стандартлари ва тартиблари халқаро савдо учун кераксиз тўсиқларни вужудга келтирмайдиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида ташкил қилинган. СТТ бўйича Битимининг кейинги шарҳларида мувофиқликни баҳолаш бўйича ИСО/МЭК Халқаро стандартлари ва қўлланмалари мазкур соҳадаги амалиётни мувофиқлаштириш учун фойдали эканлигини, шунингдек, баҳолаш бўйича органларнинг олинган натижаларга нисбатан қатъийлик ва ишончни таъминловчи техник ваколатга эгалиги мезони

сифатидаги ўрнини қайд қиласы. Шу туфайли, мувофиқликни баҳолаш фаолияти доирасидаги ИСО/МЭК тавсиялари савдодаги техник тұсиқтарни енгиб ўтишга күмаклашади.

Барча мамлакатлар мувофиқликни баҳолашдан маълум миқдорда манфаатдор ва унга боғлиқ, бироқ қўпгина ривожланаётган мамлакатлар мазкур фаолиятни амалга ошириш имконини берувчи ресурсларни яратиш ва ривожлантиришда алоҳида қийинчиликларга дуч келади. Мазкур вазият, савдо ва тижорат операцияларида қатнашувчи барча томонлар халқаро даражада “энг яхши амалиётлар”ни тобора кенгрок қўлланилиши зарурлигини эътироф этадилар. Томонлар дейилганда, нафакат бевосита савдода қатнашаётган компаниялар, шунингдек, жараёнга қўшилган бошқа ташкилотлар – ўз фуқароларини хавфли ёки сифатсиз товарлардан ва атроф-муҳитга кўрсатиладиган салбий оқибатлардан ҳимоялашга интилаётган бошқарув ва давлат органлари ҳам назарда тутилади.

Мувофиқликни баҳолаш жамият тузилмасининг бир қисми бўлиб, энг қадим даврлардан бошлаб маҳсулотлар, хизматлар ва товарлар истеъмолчиларини миқдори, сифатини, муайян хусусиятларини ёки бошқа кутилаётган натижаларининг бажарилишини таъминловчи муайян чоралар қабул қилишга ишонтириш воситаси сифатида хизмат қилган. Мувофиқликни баҳолашни, фақатгина савдони амалга оширишдаги иштироки эмас, балки янада кенгрок тушунчада ўрганиш зарур. У жамиятнинг бутун ички фаолиятини ўзида акс эттириб, аксарият мамлакатларда мувофиқни баҳолашнинг ички иқтисодиётда қўлланилиши охир оқибат унинг халқаро савдони ривожлантиришдаги ролини сезиларли ошириши мумкин.

Гарчи, мувофиқликни баҳолаш соҳасида “энг яхши амалиёт”дан фойдаланиш кутилган ҳодиса бўлса-да, унинг амалда қўлланилиш тажрибаси ва иқтисодий самарадорлиги кўпроқ муҳимдир. Бу, ўз ички ва халқаро истеъмолчиларни қондириш учун мувофиқликни баҳолаш масалаларида энг мақбул қарорлар қабул қилиш лозим бўлган ривожланаётган мамлакатлар учун, айниқса, жиддий ҳолатдир.

3.2. Мувофиқликни баҳолашнинг тавсифи


Мувофиқликни баҳолаш масалаларига ИСО ва МЭК – стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар нуқтаи назари билан қараш бугунги кунда энг долзарб масала бўлиши мумкин. Мазкур ташкилотлар воситачилиги остида бутун дунёдаги мувофиқликни баҳолаш тизими мутахассислари ва ундан фойдаланувчилар ўз билим ва тажрибаларини айни пайтга келиб мазкур масалада энг яхши амалиётга айланган стандартлар ва қўлланмалар серияларини яратишга йўналтирмоқдалар.

ISO/IEC 17000 стандарти мувофиқликни баҳолаш фаолиятини - маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар, шахслар ёки тузилмаларга тегишли муайян талабларнинг бажарилганлигини намойиш этувчи фаолият сифатида тавсифлайди. Қуйидаги бир неча ҳолатларни қайд этиб ўтиш лозим:

- ISO 9000 стандарти атамасига мувофиқ, хизматлар маҳсулот турлари ҳисобланади;
- мувофиқликни тасдиқлаш учун қўлланиладиган услублар синов, назорат, етказиб берувчининг мувофиқлик тўғрисидаги декларациясини ва сертификацияни ўз ичига олади;
- “муайян талаблар” таъминловчи (харидор) тавсифлари, миллий, минтақавий ёхуд халқаро стандартлар ёки техникавий қонунчиликларда акс эттирилади;
- органларни мувофиқликни баҳолаш бўйича аккредитациялаш ҳам мувофиқликни баҳолаш тушунчасига тегишлидир;
- мувофиқликни баҳолаш обьекти тушунчаси маҳсулот, жараёнлар, тизимлар, шахслар ёки органларни ўз ичига олади.

Мувофиқликни баҳолаш қўпинча сифат соҳасидаги таркибий фаолият сифатида қабул қилинади. Бу эса ўз навбатида мувофиқликни баҳолашнинг сифат соҳасидаги фаолиятини амалга ошираётган миллий ёки минтақавий тузилма доирасидаги, ҳамда мазкур тузилманинг турли томонлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни амалга оширишдаги аҳамиятини кўрсатади.

**ISO/IEC 17000 стандарти мувофиқликини баҳолаш фаолиятини -
маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар, шахслар ёки тузилмаларга
тегишили муайян талабларнинг бажарилганлигини намойиш этувчи
фаолият сифатида тавсифлайди.**




Расм. Мувофиқликини баҳолашнинг тавсиф

Синовлар, назорат қилиш ва сертификацияга қўшимча равища, мазкур соҳага кирувчи, халқаро ишлар ва муҳокамалар натижасида юзага келган бошқа жиддий тадбирлар ҳам мавжуд. Аккредитациялаш, этalon намуналар ишлаб чиқиши, касбий малакавий тестларини ўtkазиш моҳиятан мувофиқликини баҳолаш бўйича фаолият ҳисобланади.

Хатто, синовлар доирасида ҳам, диагностика тадқиқотларининг айрим турлари, масалан, лаборатория тадқиқотлари расман *мувофиқликини баҳолаш* ҳисобланиши тўғрисида турлича фикрлар мавжуд. Бироқ, амалиётда ҳар хил фаолият турлари мувофиқликини баҳолаш бўйича қундалик ҳаракатларнинг бир қисми бўлиб, миллий ёки минтақавий тузилмаларнинг сифат соҳасидаги муҳим элементлари ҳисобланади.

3.3. Мувофиқликни баҳолашнинг сифат соҳасидаги ўрни

Сифат соҳасида уч асосий фаолият йўналиши мавжуд: метрология, стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш. Мазкур тизим тузилмаси бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтиб ўзгариб туради, бироқ ҳар қандай кенг қамровли тизим учун мажбурий элементлардан иборат бўлган умумий фикр мавжуд (1-расм).



1-расм. Мувофиқликни баҳолаш модели мисоли

Мувофиқликни баҳолаш бўйича фаолият имкон қадар халқаро даражада қиёсланадиган ва мувофиқлаштирилган бўлиши муҳим, чунки бу товарлар ва хизматлар савдоси соҳасида тобора катта роль ўйнамоқда. У, шунингдек, иқтисодий фаолият билан мутаносиблиқда олиб борилган тақдирда, товарлар

ва хизматларнинг ички истеъмолчиларига ҳам фойда келтириши муқаррар. Айнан шу сабабдан ҳам, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги стандартлаштириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш зарурки, стандартлар наинки савдо ва тижорат фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди, улар шунингдек одамлар кундалик ҳаётининг кўплаб жабҳаларини, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда истеъмолчиларни ҳимоялаш каби ижтимоий масалаларни ҳам қамраб олади. Бу ўринда ҳам, мувофиқликни баҳолаш ҳар кунлик турмуш тарзини бошқариш меъёрларига риоя этилиши даражасини текшириш учун қўлланилади ва меъёрдан оғиш ҳолатлари мавжуд бўлган тақдирда, мувофиқликни баҳолашга тааллуқли органлар томонидан муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишига туртки бериши лозим.

3.4. Мувофиқликни баҳолаш ва метрология

Сифат соҳасидаги тузилманинг учинчи асосий таркибий қисми ўлчовларнинг ўрнатилган аниқлик ва ишончлилик билан ўтказилишини, шунингдек, натижаларнинг миллий ёки халқаро даражадаги бошқа ўлчовлар билан қиёслана олинишини кафолатлайдиган мақбул миллий ўлчов тизимидан иборат булиши зарур. Бу савдо ва тижорат соҳасида мувофиқликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўлчовлар - синовлар (баъзан эса – назорат қилиш)нинг асосини ташкил қиласди, чунки қўп турдаги жиҳозлар, мазкур синовларнинг ўлчовлар услублари бўйича халқаро стандартларга мослиги текшириб турилишини таъминловчи ваколатли маҳсус лабораториялар томонидан ўтказиладиган аниқ бир услугуга келтирилишини талаб қиласди.

Ишлаб чиқариш, шунингдек тижорат операциялари ўтказилишини таъминлаш учун асос бўлувчи компонентларни ўзаро таққослаш имконини берувчи ишончли ўлчовлар ўтказилишини талаб қиласди.

Сертификациялаш жараёни ҳам, одатда, мувофиқликни аниқловчи синовлар натижаларига асосланади. Бу ўринда ҳам, сертификациялаш мақсадида ўтказилган синовларнинг асослилигига ишонч муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур факт мувофиқликни баҳолашнинг ҳар хил турлари ўртасида, шунингдек, сифат соҳасидаги фаолиятнинг бошқа таркибий қисмлари орасида юқори даражадаги ўзаро боғлиқлик борлигидан далолат беради.



Республикамида халқаро ўлчовлар мослигини таъминлаш тизимини миллий миқёсда ўлчовларни бажариш бўйича миллий этalon Маркази мувофиқлаштиради. Мазкур Марказ зиммасидаги масъулият мамлакатимиз учун зарур ўлчовлар ўтказиш тизимини яратиш ҳамда ўз шахсий ўлчов имкониятларини бошқа мамлакатларда ўтказиладиган ўлчов натижалари билан қиёслана олинишни таъминлайдиган даражаларда сақлашдан иборат.

3.5. Мувофиқликни баҳолаш ва техник регламентлар

Техник регламентлар кўплаб мамлакатларнинг бошқарув тизими учун хос бўлиб, уларнинг аксарияти стандартлар ва мувофиқликни баҳолаш жараёнлари билан бевосита ёки билвосита ўзаро муносабатда бўлади. Гарчи, аксарият техник регламентлар мамлакатга боғлиқ ҳолда ўзаро фарқланса-да, ўз хусусиятига кўра, мультимиллий ҳисобланган бир неча регламентлар мавжуд.

Мисол учун, Европа дастурлари, кўпинча, Европа Иттифоқининг барча аъзомамлакатларида қўлланиладиган техник меъёрларни ўз ичига олади.

Сир эмаски, мувофиқликни баҳолаш техник регламентлар орқали бошқарувда асосий фаолият ҳисобланади. Шунга асосан, бир мамлакатда бошқа мамлакатлар талабларидан жиддий фарқ қиласидиган кераксиз қоидалар ёки техник регламентларни амалга киритиш савдодаги техник тўсиқларга пайдо килиш эҳтимолини оширади. Импорт қилувчи мамлакатда хорижий органларнинг мувофиқликни баҳолаш натижаларини қабул қилиш учун асос бўлмаган тақдирда, бундай тўсиқлар янада кўпроқ мураккаблашади.

Аслида, бошқарув органлари техник регламентларда ёки стандартда ягона талаблардан фойдаланишлари ва бошқа мамлакатнинг ваколатли органлари томонидан ўтказилган мувофиқликни баҳолаш натижаларини баҳолай олишлари лозим. Мувофиқликни баҳолаш бўйича органлар халқаро миқёсда келишилган стандартлар асосида иш юритган тақдирда, мазкур вазифа енгиллашади, уларнинг касбий малакасига қўшимча ишонч эса аккредитациялаш жараёни орқали эришилади. Бундай механизмлар, савдодаги техник тўсиқлар бўйича Халқаро савдо ташкилоти Битими (СТТ бўйича ХСТ Битими)да қайд этилганидек, техник тўсиқларни камайтиради. Турли мамлакатлардаги бошқарув органлари техник регламентларга ўзгаришлар киритган тақдирда, мазкур бозорларда экспорт қилувчилар номидан иш юритувчи, синовлар, назорат ва сертификациялашни ўтказувчи органлар барча ўзгаришлардан ва уларнинг мувофиқликни баҳолаш жараёнига таъсиридан хабардор бўлишлари лозим.

Бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган бундай қўшимча ва ўзгаришлар (2-расмга қаранг), экспорт ва импорт қилувчиларнинг сезиларли қўшимча сарф-харажатларига, шунингдек, турли бозорларда амал қилаётган стандартларнинг ҳар бир ўзгаришлари кузатиб борилишини кафолатлаш учун мувофиқликни баҳолаш бўйича органларнинг қўшимча жавобгарлигига олиб келиши мумкин.



2-расм. Ўзига хос хусусиятлар кўплигидан фойдаланишда мураккабликлар

3.6. Мувофиқликни баҳолаш ва иқтисодий ривожланиш

Иқтисодий ривожланиш жараёнида халқаро савдога жиддий аҳамият берилади. Мувофиқликни баҳолаш ўз ичига олган сифат соҳасидаги миллий ёки минтақавий тузилмаларни ривожлантиришга тизимли ёндашув кўлланилишидан фойда кўраётган миллий иқтисодиётнинг кўплаб жиҳатлари мавжуд. Сифат соҳасидаги фаолият барча соҳаларда халқаро етакчи амалиёт ривожланишига кўмаклашиши ҳамда қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва савдо иқтисодини яхшилаши мумкин. У, шунингдек, ижтимоий ривожланиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва қонунчилик учун мустаҳкам асосни таъминлаши мумкин.

Шунингдек, мувофиқликни баҳолаш қоидаларини импорт қилинадиган товарлар ва хизматларга ҳам, экспорт қилинадиган товарлар ва хизматларга ҳам қўллаш муҳим. Товарларнинг сон ва сифат нуқтаи назаридан мувофиқлигига ишонган ҳолда, энг аввало, кейинги эҳтимолдаги тушунмовчиликлар ва қутилмаган мураккабликларни бартараф этиш, демакки, вақт ва пул йўқотишлари, зарар кўрган томонлар умидсизлигига йўл қўймаслик учун талабларнинг етарли даражада ойдинлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Импорт қилинадиган товарлар ва хизматлар халқаро стандартлар томонидан ўрнатилган талабларга ўхшаш аниқ белгиланган талабларга мос

бўлиши лозимлигини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, таъминловчиларни белгиланган талабларга мувофиқликни намоён этишга мажбур қиласиган услубларни аниқлаш муҳим. Таъминловчининг мувофиқлик декларацияси етарли бўладими ёхуд учинчи томоннинг мувофиқлик сертификати кўринишидаги тасдиғи ёки сертификациялаш бўйича назорат текшируви ўтказилиши зарурми?

Ихтиёрий шартнома муносабатлари ҳолатида, томонлар мувофиқликни баҳолаш тартибларига нисбатан мустақил равишда танлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Харидор таъминотчининг мувофиқлик тўғрисидаги кафолатларини қабул қилишга тайёр бўлган тақдирда, учинчи шахсларни жалб қилиш зарурати қолмайди.

Хатто нархи қимматга тушадиган жиддий шартномалар тузиш жараёнида ҳар икки томон учун холис ва ҳақиқий кафолатларга эришиш мақсадида мувофиқликни баҳолаш бўйича учинчи томон жалб қилиниши мумкин, бу эса товарлар ва хизматлар алмашинувини енгиллаштиради. Бироқ, қўпгина ривожланаётган мамлакатларда, аксарият ҳолларда, маҳсулот сифати учун жавобгарликка тегишли аниқ қонунчилик талаблари йўқлиги сабабли, учинчи томон ёрдамида мувофиқликни баҳолашдан фойдаланиш амалий заруратга айланган.

Жадвал **Мувофиқликни баҳолаш ва иқтисодий ривожланиш**

№	Усуллар	Қисқача тавсифи
1	Ходимларни тайёрлаш	Ходимларни мувофиқликни баҳолаш бўйича хориждаги обрўли органларда ҳамда ёрдамчи органларда, шу жумладан, аккредитациялаш бўйича ўқитишини амалга ошириш
2	Органларнинг ўзароалоқаларни таъминлаш	Янги ташкил қилинаётган органлар ва мавжуд (шу жумладан, хорижий) органлар ўртасида икки томонлама алоқаларни таъминлаш
3	Қарорларни ишлаб чиқиши	Ёрдамчи хизматларга ҳам мувофиқликни баҳолаш бўйича минтақавий қарорларни ишлаб чиқиши зарурати.
4	Экспертлар таркибини	Мамлакат ичкарисидаги мавжуд техник экспертлар таркибини тўлдириш мақсадида

	түлдириш	хорижий эксперторлар томонидан хизматлар кўрсатиш учун айрим шартномалар тузиш
5	Ходимлар малакасини ошириш	Касбий малакани тестдан ўтказишнинг минтақавий ва бошқа дастурларига кириш хукуқини енгиллаштириш
6	Аъзо бўлишни йўлга қўйиш	Минтақавий ва халқаро ташкилотларда аъзо бўлишини соддалаштириш (мазкур ташкилотларнинг баъзиларида ривожланаётган мамлакатлардан аъзолар учун пасайтирилган тарифлар қабул қилинган)
7	Ўлчов воситаларни қиёсланишини таъминлаш	Хорижий метрологик институтлар (шу жумладан, бошқа ривожланаётган мамлакатлар институтлари) хизматлари ёрдамида ўлчовларга мосликни қиёслаш хукуқини енгиллаштириш
8	Лойиҳаларни ишлаб чиқиш	Мувофиқликни баҳолаш ва қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятларининг янги тизимларини ташкил қилиш бўйича лойиҳаларни тўлиқ ишлаб чиқиш
9	Ўлчов воситаларини таъмирлаш ва сервис хизматлар кўрсатиш	Экспертизалар учун фойдаланиладиган жиҳозларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш хукуқини енгиллаштириш
10	Хорижий органлар хизматларидан фойдаланиш	Шунингдек, бу ўзини оқлаган тақдирда, аккредитациялаш ва мувофиқликни баҳолаш бўйича хорижий органлар хизматларидан фойдаланишни соддалаштириш

Тузилаётган шартномаларга тегишли масалаларда мажбурий техник регламент қабул қилинган тақдирда, мувофиқликни баҳолаш услубини танлаш хукуқи шартнома иштирокчиларига тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин, мувофиқликни эса белгиланган шаклда исботлаш талаб қиласади. Шу муносабат билан, аккредитациялаш жараёни кўриб чиқилишига олиб келувчи мувофиқликни баҳолашни ўтказаётган учинчи томоннинг ваколатлилиги ва мустақиллиги қай тарзда тасдиқланиши мумкин, деган савол туғилади.

ISO/IEC 17000 стандарти аккредитациялашни “мувофиқликни баҳолаш бўйича муайян аниқ вазифаларни бажариш учун учинчи томон ваколатининг расмий тасдиғи бўлиб хизмат қилувчи мувофиқликни баҳолаш бўйича органга тегишли учинчи томон орқали мувофиқликнинг тасдиқланиши” сифатида

белгилайди. Аккредитациялаш лабораторияларда ёхуд сертификатлаш ва назорат органларида бажариладиган синовлар ва аниқ бир ўлчамга келтириш масалаларидаги ваколатлиликка тегишли бўлиши мумкин.

Аккредитациялаш бўйича органлар ҳам ўз мустақиллиги ва холислигини исботлаши лозим бўлиб, шу сабабдан ҳам қўпинча миллий ёхуд минтақавий миқёсда ташкил қилинади. Амалиётда буни бир-биридан эксперт баҳолашлар ўтказилиши натижалари бўйича юзага келадиган тегишли халқаро органларга аъзолик оқибати сифатида ўзаро тан олиш тўғрисидаги шартнома мавжудлиги билан намойиш қилиш зарур. Тан олишни осонлаштириш ва кенгайтириш орқали халқаро савдо тартибларини соддалаштириш мақсадида аккредитациялаш соҳасида иккита муҳим халқаро групхлар: Лабораторияларни аккредитациялаш бўйича Халқаро конференция (ILAC) ва Аккредитациялаш бўйича Халқаро форум (IAF) амал қиласди.

Кўпгина мамлакатлар, кўп ҳолларда, аккредитациялаш бўйича миллий органларни ташкил қилиш учун маблағлар ёки тажрибага эга бўлмайди ва кўпинча паст иқтисодий даражада ишлайди, бу эса фақат уларнинг худудида фаолият олиб борадиган мувофиқликни баҳолаш бўйича органлар ишининг иқтисодий самарасизлигига олиб келади.

Шу туфайли, мувофиқликни баҳолаш ва аккредитациялаш қай тарзда амалга оширилиши кўпчилик мамлакатлар учун асосий масалалардан бири ҳисобланади. Мувофиқликни баҳолаш бўйича миллий ва хорижий органларнинг, аккредитациялаш бўйича минтақавий тузилмалари иштироки билан мустаҳкамланган фаолиятидан фойдаланиш, ўзаро тан олиш йўлидаги муваффақиятли қарор бўлиши мумкин, гарчи доимо вазиятга боғлиқ ҳолда, алоҳида мамлакатлар учун алоҳида қарорлар талаб қилинган такдирда ҳам.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар учун, жумладан, чекланган ресурслар шароитида муайян устуворликларни белгилаб чиқиш зарур, мувофиқликни баҳолаш бўйича муайян фаолиятни ташкил қилиш ва сақлашга тааллуқли аниқ қарорлар эса ўринли бўлиши лозим.

Хар қандай бошқа мамлакатда бўлгани каби, мамлакатимиз иқтисодиёти синовлар, ўлчовлар, назорат қилиш ва сертификациялаш ўтказилишига эҳтиёж катта. Баъзи бир бозорлар талабларини қондириш учун уларга ҳам мувофиқликни баҳолаш бўйича ўз органлари учун аккредитациялаш жараёнларига йўл очиш зарур.

Синов лабораториялари ҳам кўп ҳолларда қуидаги қўшимча хизматларга эҳтиёж сезади:

- ўз шахсий синовлари ва ўлчовларини амалга ошириш учун (ўлчовлар ўтказиш бўйича халқаро стандартларга мослигини текширишни намоён этиш мақсадида) ихтисослаштирилган ташкилотларга кириш ҳуқуқи;
- этalon намуналар, шу жумладан, сертификацияланган стандарт намуналар олиш ҳуқуқи;
- касбий малака тестини топшириш бўйича фалият олиб борувчи ташкилотлар хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- янги турдаги тадқиқотлар жараёнида юзага келадиган талаб-эҳтиёжларга мос келиш мақсадида ишлаб чиқиш ва тадқиқотлар соҳасидаги экспертизалар натижалари билан танишиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи;
- техник, бошқарув ва хизмат кўрсатиш ходимлари тренингларида қатнашиш ҳукуки.

Бундан ташқари, назорат қилиш ва сертификациялаш бўйича органлар қуидагиларга эҳтиёж сезиши мумкин:

- назорат қилиш ва сертификациялашни ўтказиш учун маълумотлар билан таъминловчи маҳсус лабораториялар;
- маҳсус аудиториялар ёки бошқа муҳим ходимлар;
- ходимларни ўқитиши.

Қайд этиш лозимки, аккредитациялаш бўйича маҳаллий органларнинг эҳтиёжлари мавжуд бўлган тақдирда, мазкур органлар ҳам бир қатор ресурслар ажратилишини талаб қилишлари мумкин. Мазкур ресурслар (талаб қилинаётган аккредитациялаш турига боғлиқ ҳолда) қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- мұайян соҳалардаги ишлаб чиқариш ва бошқарувдан экспертлар олиш ҳуқуқи;

- миллий метрологик тузилмаларга мурожаат қилиш ҳуқуқи;
- минтақавий ёки халқаро миқёсда ўзаро тан олиш түғрисидаги күп томонламали шартномаларда аъзоликка кириш ҳуқуқи.

Минтақавий ёки халқаро миқёсда ёрдам күрсатаётган ва фаол иш олиб бораётган ташкилотлар мазкур соҳалардаги ишланмалар ва таълимни қўллаб-қувватламоқдалар. Шубҳасиз, мазкур фаолият юз бераётган талаб-эҳтиёжлар билан мувофиқликда олиб борилади. Бундай эҳтиёжларда устуворликларни аниқлаш ва жой-жойига қўйиш ривожланишга кўмаклашувчи тузилмалар билан ҳамкорликда айrim мамлакатларнинг давлат ва тармоқ ташкилотлари бошқаруви предмети бўлиши лозим.

Мувофиқликни баҳолашда ривожланаётган мамлакатлар эҳтиёжларини қондириш мақсадида қўлланиладиган (ёки қўлланишга тавсия қилинадиган) айrim услублар мавжуд бўлиб қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ходимларни мувофиқликни баҳолаш бўйича хориждаги обрўли органларда ҳамда ёрдамчи органларда, шу жумладан, аккредитациялаш бўйича ўқитишини амалга ошириш;
- янги ёхуд ташкил қилинаётган органлар ва мавжуд (шу жумладан, хорижий) органлар ўртасида икки томонлама алоқаларни таъминлаш;
- ёрдамчи хизматларга ҳам мувофиқликни баҳолаш бўйича минтақавий қарорларни ишлаб чиқиш зарурати. Яқинда ташкил қилинган Жанубий Африка аккредитациялашни ривожлантириш бўйича бирлашмаси (SADCAS) мазкур услуг қўлланилишининг янги бир мисоли бўлиб, у минтақадаги кўплаб мамлакатлар учун аккредитациялаш бўйича хизматларни тақдим қиласи;
- мамлакат ичкарисидаги мавжуд техник эксперталар таркибини тўлдириш мақсадида хорижий экспертлар томонидан хизматлар кўрсатиш учун айrim шартномалар тузиш;
- касбий малакани тестдан ўтказишнинг минтақавий ва бошқа дастурларига кириш ҳуқуқини енгиллаштириш;

- минтақавий ва халқаро ташкилотларда аъзо бўлишини соддалаштириш (мазкур ташкилотларнинг баъзиларида ривожланаётган мамлакатлардан аъзолар учун пасайтирилган тарифлар қабул қилинган);
- хорижий метрологик институтлар (шу жумладан, бошқа ривожланаётган мамлакатлар институтлари) хизматлари ёрдамида ўлчовларга мосликни қиёслаш хукуқини енгиллаштириш;
- мувофиқликни баҳолаш ва кўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятларининг янги тизимларини ташкил қилиш бўйича лойиҳаларни тўлиқ ишлаб чиқиш;
- экспертизалар учун фойдаланиладиган жихозларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш хукуқини енгиллаштириш;
- шунингдек, бу ўзини оқлаган тақдирда, аккредитациялаш ва мувофиқликни баҳолаш бўйича хорижий органлар хизматларидан фойдаланишни соддалаштириш.

Савдодаги техник тўсиқлар бўйича Халқаро савдо ташкилоти Битими мувофиқликни баҳолашнинг халқаро савдодаги аҳамиятини ва унинг савдони амалга ошириш учун тўсиқ сифатидаги имкониятини таъкидлайди. Хорижий мувофиқликни баҳолаш стандартлари ва натижаларини қабул қилишдан бош тортиш аллақачон муҳим нотариф савдо тўсиғи ҳисобланади. Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ)нинг барча аъзолари эса савдодаги техник тўсиқлари бўйича ХСТ Битимига риоя қилишлари шарт.

Битим халқаро стандартлар ва мувофиқликни баҳолашнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва халқаро савдони соддалаштиришга, халқаро тизимлар ривожланишига кўмаклашишга қўшиши мумкин бўлган сезиларли ҳиссани тан олади. Бироқ, асосий мақсад савдода ортиқча тўсиқларни вужудга келтирмайдиган техник регламентларга мувофиқликни намойиш этиш учун қўлланиладиган техник регламентлар ва тизимларни таъминлашдан иборат.

Аксарият кўпчилик ҳолларда, “мувофиқликни баҳолаш” остида сертификациялашдан ўзга нарса тушунилмайди. Амалда эса, мувофиқликни

баҳолаш турли шахслар томонидан, шу жумладан, товарлар ва хизматлар таъминотчилари, харидорлар ёки бошқа манфаатдор томонлар, масалан, суғурта компаниялари ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Мувофиқликни баҳолаш түғрисида гапирганда, қуидагиларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир:

- Биринчи томон – баҳолаш обьектини ўзида акс эттирувчи шахс ёки ташкилот.
- Иккинчи томон – обьектдан манфаатдор шахс ёки ташкилот.
- Учинчи томон – баҳолаш обьекти ёхуд обьектдан манфаатдор бўлган шахс ёки ташкилотга боғлиқ бўлмаган шахс ёки орган.

Умуман, юқорида баён қилинган мувофиқликни баҳолаш услублари кўрсатилган томонларнинг ҳар бири томонидан қўлланилиши мумкин.

Синовлар, ўлчовлар ва аниқ бир ўлчамга келтириш (калибрлаш) кундалик ҳаётимизнинг деярли ҳар бир йўналишини қамраб олади.

Улар савдо ва тижорат фаолияти, ишлаб чиқариш, касбий хизматлар, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик, қурилиш, атроф-муҳит мониторинги, транспорт, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, телекоммуникация, тоғ-кон саноати, мудофаага ваҳоланки, ҳамма соҳаларга таъсир кўрсатади. Биргина тиббиёт синовлар ва ўлчашларнинг ўзи бунга мисол бўла олади, у бутун дунё бўйича ҳар куни миллионлаб марта амалга оширилиши мумкин.

Синовлар – мувофиқликни баҳолашнинг энг кенг тарқалган қўлланиш усули хисобланади.

Қайд қилиб ўтилганидек, мувофиқликни баҳолаш фаолияти ўзгарувчан (тез мослашувчан) концепция бўлиб, баъзи бир фаолият турлари синовлар томонидан бир соҳада, назорат томонидан иккинчи, ҳамда сертификациялаш томонидан учинчи соҳада номланиши мумкин. Бу муайян вазиятда аниқ кўрсатмалар билан ҳақиқатда нима зарурлигига диққат-эътиборни бир жойга жамлаш заруратидан далолат беради.

3-боб бўйича хulosалар

Ишнинг 3-бобда машинасозликда маҳсулот ва хизматлар мувофиқлигини баҳолашнинг истиқболари бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди. Маҳсулот ва хизматлар мувофиқлигини баҳолашда иштирок этувчиларга қўйиладиган талаблар ва мувофиқликни баҳолашнинг тавсифи таҳлил қилинди.

Мувофиқликни баҳолашнинг сифат соҳасидаги ўрни, мувофиқликни баҳолаш ва метрология фаолиятларининг узвийлиги асосланди.

Мувофиқликни баҳолаш ва техник регламентлар, мувофиқликни баҳолаш ва иқтисодий ривожланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда мувофиқликни баҳолаш аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, мувофиқликни декларациялаш, инспекция назорати, юкни ортишдан олдин ёки юкни тушириш вақтидаги инспекция (назорат), маҳсулот синови, санитария-эпидемиология, ветеринария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза орқали амалга оширилади.

Мувофиқликни баҳолаш қоидалари ва тартиб-таомили мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ташкилий ҳамда техник талабларни, ишларни бажариш ва расмийлаштириш тартибини, усулларини ўз ичига олади.

Диссертация ишида автомобилсозлик маҳсулотлар мувофиқлигини тасдиқлаш жараёнининг сифатини баҳолаш усулини ишлаб чиқилиб, қўйидаги натижалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- мувофиқликни баҳолаш соҳасида халқаро тажрибаларни таҳлил қилинди;
- мувофиқликни баҳолаш ва сертификатлаштириш принципларини таҳлил қилинди;
- автомобилсозлик маҳсулотларини сертификатлаштиришда мувофиқликни баҳолаш тартибларини таҳлил қилинди;
- автомобилсозлик маҳсулотларини сертификатлаштиришда мувофиқликни баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фойданилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992 й. 40 бет.
2. Каримов И.А. Узбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения. «Узбекистон», 1995г.
3. Исматуллаев П.Р., Мақсудов А.Н., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М. ва Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслиги, Тошкент-2000 й.
4. Абдувалиев А.А., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Мирагзамов М.М., Сабиров М.З. Основы стандартизации, сертификации и управления качеством. Учебное пособие, Ташкент. Из-во «Фан ва технология» 2005 г. –с-535.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонуни;
7. Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни;
8. Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги қонуни;
9. РМГ 102-2010 Рекомендации по межгосударственной стандартизации. Модули оценки (подтверждения) соответствия и схемы сертификации.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартибларини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги №318 –сонли қарори;
11. Европа иттифоқи Кенгашининг 1993 йил 22 июлдаги Техникавий уйғунлик бўйича директивларни қўллаш учун тан олинадиган СЕ тамғалашни қўллаш ва қоидасини кўрсатиш ҳамда мувофиқликни баҳолаш тартиби ҳолатларининг турли модуллари бўйича 93/465/ЕЕС қарори;
- 12.Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро Кенгаш қарори;

13. Европа уюшмаси – Янги ёндошув ва Глобал ёндошувларга асосланган директивларни қўллаш бўйича Кўлланма, 2000 (Guide to the implantation of directives based on New Approach and the Global Approach/ - European Communities, 2000);

14. Савдода техник тўсиклар бўйича келишув, Маррокаш Декларацияси, 1994 йил апрелда қабул қилинган;

15. Маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари. №59 –сонли 2005 йил 25 февралда «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 18 марта Адлия Вазирлигига рўйхатга олинган №1458;

16. «Маҳсулот мувофиқлиги талаблари ва унинг хавфсизлиги декларация қилиш тўғрисида»ги низом. №83 –сонли 2005 йил 4 марта «Ўзстандарт» Агентлиги Бош директори буйруғи билан тасдиқланган, 2005 йил 6 апрелда Адлия Вазирлигига рўйхатга олинган №1465;

17. «Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари, синов (ўлчаш) лаборатория (марказ)лари ва сертификатлаштириш соҳаси бўйича назорат идоралирини аккредитлаштириш қоидалари» 2006 йил 17 апрелда Адлия Вазирлигига рўйхатга олинган №1596;

18. www.standart.uz Мувофиқликни баҳолаш ва сертификатлаштириш қоидалари

19. www.mgc.com.org Взаимно признание результатов испытаний и оценки соответствия

20. www.lex.uz